ЁШЛАР ПАРТИЯНИНГ КЕЛАЖАГИ!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 6 июнь Чоршанба

№ 107 (13543). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди тўғрисида

АХБОРОТ

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди 5 июнь куни Тошкент шаҳрида ўз ишини давом эттирди.

Марказий Қомитетнинг Сиёсий маърузасини ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботини муҳокама қилиш юзасидан музокараларда Самарқанд вилоят партия комитетининг биринчи котиби П. М. Абдураҳмонов, Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг раиси Ҳ. Алимова, Наманган уйсозлик комбинатининг бошлиғи А. Икромов, Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби А. Р. Отажонов, Андижон вилоят уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси Т. Р. Каримова, Ўзбекистон ССР Министрлар Қенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Тошкент вилоятининг Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози сут соғувчиси М. Исоқова, Хоразм вилоятининг Хива районидаги 20-болалар уйи директори В. Б. Пак, Сурхондарё вилояти Сариосиё район партия комитетининг биринчи котиби И. Суннатов, «Экономика и жизнь» журнали бош муҳаррири вазифасини ижро этувчи И. М. Хушев, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони И. В. Фуженко, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Н. Носиров, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Т. Ризаев, «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Ғ. Ғуломмаҳмудов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов якунловчи нутқ сўзлади. У делегатлардан тушган бир қанча саволларга жавоб қайтарди.

Съезд Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисобот давридаги ишини қониқарли, деб топди ва Марказий Комитетнинг кейинги вақтда ўтказаётган сиёсий йўлини маъқуллади.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съездига Марказий Комитетнинг Сиёсий маърузаси, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига «Инсонпарвар, демократик социализм сари» ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳалари юзасидан резолюциялар қабул қилинди.

Съезд Ўзбекистон Компартияси тафтиш комиссиясининг ҳисобот маърузасини тасдиқлади.

Съезд делегатларнинг бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги масалага оид таклифи юзасидан резолюция қабул қилди.

Съезд Ўзбекистон Компартияси назорат-тафтиш комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. «Ўзбекистон Компартияси назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом» тасдиқланди.

Сўнгра съезд кун тартибидаги навбатдаги масалани кўриб чиқишга — Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва назорат-тафтиш комиссиясини сайлашга ўтди.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.



Тошкент. Ўзбекистон Компартияси XXII съезди. Танаффусдаги мулоқот.

ЎзТАГ сурати.

Ўзбекистон халқлари, дўстлигимиз ва қардошлигимизни мустаҳкамлайлик!

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг коммунистларга, жумҳуриятнинг барча халқларига

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Муҳтарам юртдошлар, ватандошлар!

Мамлакатимиз ғоят оғир аҳволни бошидан кечираётир. Қайта қуриш жараёни давом этмоқда, сийқа фикрлаш йўсинлари ўзгармоқда. Босиб ўтган тарихимизни ақл тарозусига солиб, янгитдан идрок этмоқдамиз. Бизнинг, барчамизнинг орзу ниятимиз, армонимиз муштарак. Яъни ҳаммамиз турғунликнинг чангалидан тезроқ қутулиб, ўз-ўзлигимизни таниб, бугунги ва келажак авлоднинг шаъни-шавкатига муносиб инсон бўлиб яшаш иштиёқи билан тўлиб-тошганмиз. Биз осойишталикни, тинчликни, эзгулик ва бахт-саодатни, ҳар бир хонадоннинг обод ҳамда фаровон бўлишини орзу қиламиз. Бу орзуларимиз бугунги кунда илк куртакларини кўрсатаётир. Секинлик билан, машаққат билан бўлса-да, жумҳуриятимиз иқтисодиёти ўзини ўнглаётир. Қишлоқ аҳлига ер ажратилмоқда: оналарга, бева-бечораларга, ёш болаларга-ю, ногиронларга, барча ветеранларга, талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш бошланди. Ўн минглаб уй-жойлар қурилаётир. Қадимий жаҳоншумул маданиятимиз бутун борлиғи ва иқтидори билан қайта тикланмоқда. Унутилиб кетган, ман қилинган байрамлар ва анъаналар халққа қайтариб берилмоқда, одамлар қалбида ишонч, меҳр-муҳаббат, шафқат уйғонаётир.

Ўзбекистон Коммунистик партияси сайловолди ҳаракат дастурининг бажарилишини ҳеч ким тўхтата олмайди. Жумҳуриятимиз гуллаб турган, фаровон, бағри тинч макон бўлажак. Зеро, барчамизнинг орзу-армонимиз ҳам шундан иборат-ку! Лекин бу армонларнинг ушалиши учун ягона бир шарт бор. У ҳам бўлса, одамлар орасидаги дўстона, инсоний муносабат, халқлар биродарлиги, миллату элатларнинг тўла тенг ҳуқуқлилигидир.

Бироқ минг афсуски, айнан ана шу ниятларнинг амалга ошишини хуш кўрмайдиган кучлар мавжуддир. Дўстлигимизга раҳна солувчи иллатлар бор. Уларнинг мақсади халқларимиз ўртасига нифоқ, парокандалик солиш, номлари эса миллатчилик ва шовинизмдир.

Одам боласининг бағри-дилини қон қилувчи сўзлар булар! Дунёда ўзаро ноаҳилликдан, манманлик ва ўринсиз гина ва кудуратлардан кўра хавфлироқ нарса йўқ.

Жумҳуриятимизнинг азиз фуқаролари! Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди сизларга мурожаат қилади. Миллатчилик ва шовинизмга қарши, одамлар ўртасида адоват уруғини сочувчиларга қарши тинмай курашингиз юртдошларимиз осойишталигини таъминлаш учун якдил бўлинг. Афсуски, бу осойишталик баъзи жойларда бузилди, одамларда ҳадик ва қўрқув ҳислари пайдо бўлди. Натижада аҳолининг ҳаловати бузилиб, ҳаёт мароми издан чиқа бошлади.

Биз Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатлари **сиз коммунистларга мурожаат этамиз?**

Халқлар орасига нифоқ солувчиларга қарши курашда дадил, бир сўзлик, шижоаткор бўлингиз. Ҳамиша халқ орасида, ҳамиша халқ билан мулоқотда бўлинг, КПССнинг ҳозирги миллий сиёсатини ва саъй-ҳаракатларини сабртоқат ва далиллар билан тушунтиринг. Меҳнатингизда, жамоат ишларида, халқ хизматида доим намуна бўлинг. Совет байналмилалчилигининг асл, эзгу моҳиятини асраб қолиш учун куч-ғайратингизни, билимингизни аяманг!

Жумҳуриятимиз ишчилари!

Сизга мурожаат қилаётирмиз. Барча миллатлар, эллар, элатлар ишчиларининг синф сифатида тақдирдош эканлигини ёддан чиқарманг. Миллатларнинг орасини бузмоқчи бўлганларга зарба беринг. Ахир меҳнат деган тушунча барча халқлар тилларида ҳам бир маънони англатади. Русча ёки ўзбекча, қозоқча ё тожикча, корейсча, татарча ёки қорақалпоқча меҳнат бўлмайди. Меҳнат, пешона тери тўкиш ўз табиатига кўра барча миллат ва халқлар учун бир хил байналмилал тушунчадир.

Сизларга мурожаат қиламиз, азиз ва заҳматкаш қишлоқ аҳли!

Табаррук тупроғимизнинг неъматларини, фаровонликни сизларсиз тасаввур этиш сираям мумкин эмас. Дастурхонимизда турган насибамиз — нонимиз сизнинг туҳфангиз. Ундан баҳраманд бўлаётганлар кимлар, қайси миллат вакили эканлигининг аҳамияти йўқ. Аммо у ким бўлишидан қатъий назар қадоқ қўлларингизни ўпиб, тавоф қилиши муҳимдир. Шунинг учун ҳам бободеҳқон деган муқаддас номни бундан буён табаррук тутайлик.

Муҳтарама аёлларимиз, оналаримиз, опа-сингилларимиз!

Сизга ҳам қалб даъватимизни изҳор этмоқчимиз. Миллатчилик, шовинизм сингари мараздан болаларингизни, ака-ю укаларингизни, турмуш ўртоқларингизни асраб қолишга астойдил интилинг. Инсон боласи борки, у онадан дунёга келади. Барча халқларнинг умумий номини биз одамизод деб атаймиз. Сиз одам зотининг меъмори ҳисобланасиз. Сиз учун бегона, ўгай фарзанд бўлиши мумкин эмас. Барча болалар оналар жигарининг бир парчасидир. Барча оналар фарзандларини оқ сут бериб ўстиради.

Муҳтарам оқсоқолларимиз!

Болаларингизга, набираларингизга уқтиринг. Урушда ва кейинги оғир йилларда ҳам турли миллат вакиллари аҳил яшаган эдилар-ку! Ўша пайт бир майизни ҳам бўлиб еган ватандошларимизга дўстликдан ортиқ бойлик бўлмаганлигини фарзандларимизга қайта-қайта эслатинг!

Қадрли ёшлар, талаба аҳли!

Ёши улуғлардан сўраб кўрингчи, сизлардан аввал улар қандоқ яшашган экан? Айрилганни айиқ, бўлинганни бўри ер деганлар. Ахир аҳил бўлиб яшашга нима етсин. Қарияларимиз биродарликнинг қадрини яхши биладилар! Сизнинг соғлом фикрингизга ваҳшат соясини солғувчи кимсаларнинг ичлари қора, ниятлари бузуқдир. Ёшликка дўстлик, аҳиллик ярашади. Буни сира унутманг!

Фан, маданият, санъат вакиллари!

Зиёли ўртоқлар! Сизларга мурожаат қиламиз:

Шуни унутмангки, зиёли деган ном нур манбаи деганидир. Сиз халқнинг виждони, элнинг овози ҳисобланасиз. Зиммангиздаги буюк масъулиятни сира ҳам унутманг. Бир оғиз ноўрин сўз, ўйламай ташланган қадам қандай оқибатларга олиб келиши сизга аёндир. Маданият, тил, урфу одатларга, инсоният анъаналарига посбонлик қилинг, айни чоғда халқларни тотувчиликка чорланг!

Биз, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди делегатлари яқиндагина жумҳуриятимиз Президентининг юртдошларимизга мурожаатида янграган чуқур изтиробли қалб түгёнини теран тушунамиз ва уни қўллаб-қувватлаймиз. Фарғона, Паркентда юз берган машъум воқеалар туфайли ҳалок бўлганларнинг хотираси олдида бош эгамиз. Шу воқеаларнинг асл ташкилотчиларига халқимизнинг лаънатлари ёғилсин! Бу бузғунчилар абадий тавъқи-лаънатга дучордирлар!

Нифоқ ва тарафкашликдан ким обрў топибди. Ўйлаб кўринг.

Ёлғизлик, танҳолик инсон дилини исканжага олади. Буни ҳам унутманг.

Биз бошимизни баланд кўтариб баралла, бор овоз билан доимий бор ҳақиқатни яна бир карра такрорлаймиз:

Ўзбек халқи азалдан олижаноб, улуғ қалбли, очиқ кўнгилли, дўстпарвар эди, ҳозир ҳам шундайдир. Халқимиз бундан буён ҳам шу фазилатлар эгаси бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди минбаридан туриб, 20 миллионли жумҳуриятимиз аҳлига мурожаат этамиз.

Хонадонларимизда осойишталик барқарор бўлишини таъмин қилайлик, жумҳуриятимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг инсоний дўстлигига, якдиллигига эришайлик. Биз Ўзбекистонни дўстлик жумҳурияти деб эълон қиламиз. Келинг, барчамизга насиб этган катта хонадонимизда дўстлик ҳамиша бор бўлсин. Иттифоқимиз парокандаликка юз тутмай, тобора мустаҳкамланиб, камол топаверсин.

Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси биринчи котиби А. Н. НОСИРОВнинг Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездидаги нутқи

Ҳурматли делегат ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг сиёсий маърузасида жумҳуриятимиздаги ижтимоий-сиёсий вазият барча инқирозли қирралари билан очиб берилган. Мавжуд аҳвол аввало ёш авлоднинг ҳаётига, унинг жисмоний ва маънавий камолотига чексиз зиён етказмоқда. Натижада, моддий ва маънавий ғарибликдан тинкаси қуриган айрим ёшлар вақти-вақти билан бу танглиkдан ўзларининг манфур ниятларини амалга оширмоқчи бўлаётганларнинг қурбонига айланмоқда. Шунинг учун ҳам бизнинг съездимиз ёшлар ўртасида яратувчилик, келажакка ишонч руҳини уйғотувчи сиёсий мустақил мафкуравий аниқ бир ечимга келиши лозим.

Ёш авлодда умид туйғуларини уйғотувчи маълум ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз, ҳукуматнинг Ўзбекистон Компартиясининг сайлов олди дастурига асосланиб амалга ошира бошлаган илк хайрли ишлари ёшларнинг ижтимоий кайфиятига ижобий таъсир этмоқда. Кўплаб ёш оилаларга томорқа учун қўшимча ер ажратилиши, Ўзбекистонлик ҳарбий қурувчиларнинг Туркистон ҳарбий округи ҳудудида қолдирилиши, байналмилал жангчиларга берилаётган қўшимча имтиёзлар, иқтидорли ёшларга қаратилаётган диққат эътибор, шулар жумласидандир.

Тўғри, буларнинг барчаси оз. Ёшлар муаммоларини ҳал этиш жумҳуриятнинг умумий юксалиши ва Компартиямизнинг ижтимоий, иқтисодий, миллий соҳада олиб боражак сиёсатига боғлиқ эканлигини биламиз. Шундай бўлса-да, ёшлар бугун ижтимоий жиҳатдан муҳофазага олинмас экан, жумҳуриятимизнинг келажаги хавф остида қолаверади. Бошқача айтганда, Компартиянинг аниқ мақсадга йўналтирилган ёшлар сиёсати керак.

Биз Марказий Қўмитанинг янги сайланадиган составига партиянинг ёшлар сиёсати тўғрисидаги масалани махсус кўриб чиқишни, ҳамда унинг қарорларини амалга ошириш учун маърузада таъкидлаб ўтилган Марказий Қўмитанинг доимий комиссиясини тезлик билан тузишни таклиф этамиз. Жумҳуриятимиз Компартияси делегацияси бу йўналишдаги ишларни КПСС XXVIII съездида ҳам давом эттириши, иқтисодий ислоҳот жараёнида, бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан Ўрта Осиёда яшаётган кам даромадли ёш оилалар учун ижтимоий кафолотлар берилишини талаб қилиши ҳам зарур.

Ёшлар сиёсати тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва «Ўзбекистон ёшлари» давлат дастури, жумҳурият Компартияси ҳамда комсомоли Марказқўмларининг қўшма пленумида муҳокама этилиб, сўнгра Олий Совет сессияси эътиборига ҳавола этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ёшлар ўртасида олиб бориладиган мафкуравий ишлар мазмунини ҳам қайтадан кўриб чиқиш фурсати етди. Чунки турғунлик йилларидаги иш билан сўз ўртасидаги узилишлар натижасида ёшларда жамиятимиз ва партиямизга асос солган қадриятларга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлгани сир эмас.

Хўш, бу ишончсизликни йўқотиш учун қўлимиздан келадиган ҳамма имкониятларни ишга соляпмизми? Йўқ, албатта. Мактабларда, илм даргоҳларида бугунги кун ҳаётини 10 йил ва ундан ҳам олдин чиқарилган дарсликлар асосида ўргатилмоқда. Бозор иқтисоди нима, улар социализм шароитида қайси қонунларга бўйсунади? Бу саволларга ўқувчи ва талабалар у ёқда турсин, дипломли ўқитувчи ва олимларимиздан ҳам жавоб топиш амри маҳол. Шу сабаблар бўлса керак партия ходимлари ҳам негадир ёшлар билан очиқчасига ўтказиладиган норасмий учрашувлардан ўзларини олиб қочмоқдалар. Ҳамон бизда мафкуравий таъсир кучи самарасини тезда аниқ кўрсатиб берадиган, ҳисоблаб чиқадиган ижтимоий-тадқиқот институти йўқ.

Коммунистлар Ленинга ва унинг сиёсий меросига тош отаётганларга қатъий зарба беришга ҳар доим ҳам тайёр эмаслар. Чунки уларнинг кўпчилигида Ленин ғояларига садоқат кабинетларида доҳийнинг 55 томлик асарларини йиғишдангина иборат бўлиб қолган. Биз партиямиз ва совет давлатининг асосчиси номини илоҳийлаштирмасдан, бу улуғ инсоннинг хизматларини очиқойдин ёшларга кўрсатиб беришимиз керак. Ойнаижаҳонда Ленин ҳайкалини олиб ташлашаётганини кўрганда, биринчи навбатда КПСС Марказий Комитети, давлатимиз раҳбарлари ўзларини кўриб-кўрмасликка олмасдан, аниқ баҳо беришлари керак.

Бугунги кунда ўзбек халқининг айрим «дўстлари» ёшларга тарих ҳақида ваъзхонлик қилиб, совет даврининг бефойдалиги ва ҳатто зарарлиги ҳақидаги ғояларни тарғиб қилмоқдалар. Шу билан улар кекса авлодга бўлган ҳурмат-эҳтиромларни ерга урмоқдалар. Бу борада биз ҳам ўзимизнинг чуқур ўйламасдан чиқарган қарорларимиз билан уларнинг тегирмонига сув қуймоқдамиз. Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг «Ўзбекистон комсомолининг 40 йиллиги» истироҳат боғи номини ўзгартириш тўғрисидаги чиқарган қарорини қандай изоҳлаш мумкин? Янгисини қуришга қараганда қайта ном бериш осон. Аммо истироҳат боғини ҳашар йўли билан бунёд этган 60-йиллар комсомоллари номини тезда эсдан чиқариш тўғрими? Йўқ, албатта.

Партиянинг ёшларга, уларнинг келажагига таъсир этиши кўпгина ҳолларда комсомол орқали кечади. Биз унчалик дадил бўлмаса-да, ҳар ҳолда ёшлар муаммоларини ҳал этишга уринмоқдамиз. Бизнинг иқтидорли ёшлар ва байналмилал жангчиларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар уй-жой комплексларини, ҳамда НТТМларни ривожлантириш борасидаги таклифларимиз Компартия Марказий Қўмитаси ва жумҳурият ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланган бўлсада, қуйироқ бўғинларда бундай илиқ муносабатларни кам учратамиз. Комсомол-ёшларнинг ажойиб ташаббуслари лоқайдлик, тушунмовчилик деворларига урилиб чил-парчин бўлганлиги ҳақида ўнлаб мисолларни келтириш мумкин.

Бизда доимо ҳамма яхши нарсалар болаларга, ёшларга деб ўргатиб келишади. Аслида эса кўпгина ҳолларда бунинг тескарисига дуч келмоқдамиз.

Нима учун ўнлаб ресторанлар қурилаётган ноҳия ва шаҳарларда ёшлар учун маданият саройлари, пионер уйлари бунёд этиш мумкин эмас? Нима учун Қўқон шаҳар Совети ўз шароитини шаҳар комсомол қўмитаси биносини тортиб олиш ҳисобига яхшилаши керак? Шу билан бирга жуда кўп жойларда байналмилал жангчилар Кенгаши учун бино ажратиб бериш тўғрисидаги ҳукумат топшириғи бажарилмаяпти. Ўзбекистон ЛКСМ Марказқўми аъзолари мендан съездга бир сўров билан мурожаат қилишни топширишди: жумҳурият комсомол-ёшлари нашрларидан тушаётган барча фойдани КПСС Марказий Комитети бюджетига эмас, балки комсомолга ва йигит-қизлар маблағи эвазига қурилган янги бинони иқтидорли ёшлар Марказини ташкил этиш учун берилса. Бу ишлар рўёбга чиқса, ўйлайманки, чин маънодаги амалий ёрдам бўлган бўларди.

Бугун биз ёшларимизнинг анъаналарга бой ўзбек маданиятига, кўҳна тарихига қизиқиши беҳад ортган бир замоннинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Авлодларнинг маънавий алоқаси тикланмоқда. Аммо ёшларимиз умумжаҳон маданиятидан, айниқса, илмий-техник тараққиётдан узилиб қолмасликлари керак.

Бугун ана шундай мақсадларга сарфланадиган бир сўм келгусида жумҳуриятимиз хазинасига ўн, юз баробар ортиғи билан қайтиб келади. Айниқса, ёш олимлар ва мутахассисларни мамлакатимизнинг ва хорижнинг йирик илмий-техника марказларига стажировкага юбориш учун сарфланажак маблағлардан келажак фойда ундан ҳам кўп бўлади.

Энди жумҳурият ёшлари учун шундай шароит яратишимиз кераки, улар нафақат Сибирь ёки Узоқ Шарқдаги комсомол қурилишларига бориб ишлаши, балки Ғарб ва Шарқ мамлакатларининг энг замонавий корхона ҳамда фирмаларида ишлаш, тажриба ва дўстлар орттириш, маданий, иқтисодий алоқалар ўрнатиш, ўзининг касб-маҳоратини, турмуш шароитини юксалтириш имконига эга бўлсин. Ҳукумат томонидан кафолатланган бундай чақириқ жумҳуриятимизнинг миллий давлат мустақиллиги ғоясига беҳад мос келади.

Ёшларнинг сиёсий мустақиллик сари интилишларини коммунистлар доим қўллаб-қувватласалар, деймиз. Меҳнат жамоалари Кенгашлари аъзоларига қаранг: улар орасида ёшлар бармоқ билан санарлигина. Охирги сайловлар натижасида депутатларимиз орасида комсомол-ёшларнинг сони бир неча маротаба камайиб кетди. Буни фақатгина комсомолнинг ёши улуғларга бўлган ҳурмати деб билмаслик керак. Бошқа мисол: комсомол Марказқўмининг органи бўлган «Ёш ленинчи» рўзномаси ходимларидан бирортаси ҳам сўнгги 9 йил ичида партияга қабул қилинмаганлигини қандай ифодалаш мумкин? Шу ҳам комсомолга, унинг жанговар органига эътиборми?

Жумҳуриятимиз комсомоллари Ўзбекистон ЛКСМ XXIV съездига тайёргарлик кўрмоқдалар. Ана шу съездда комсомолда йиғилиб қолган кўпгина масалаларни ҳал қилиш кўзда тутилмоқда. ВЛКСМ XXI съездига тайёргарлик ва ўтказиш даврида марказда йўл қўйилган хатони такрорламаслик керак. Чунки унда ёшларнинг ижтимоий муаммолари давлат ва партиянинг олий органларида ўз аксини топмади. Ёшлар манфаатларига ижтимоий йўналишнинг бўлмаганлиги съездни сиёсий сафсатабозлик сари етаклади. Катта қийинчилик билан ВЛКСМнинг бирлигини, коммунистик партия билан сиёсий иттифоқни, комсомол номланишидаги «коммунистик» сўзни сақлаб қолишга эришдик. Бу ҳақиқий кураш партиянинг XXVIII съезди олдидан, айримлар, айниқса, «демократик платформа» тарафдорлари учун «репетиция» бўлди, десак адашмаймиз. Шунинг учун ҳар биримиз, ана шу бўлажак жангга тайёр бўлишимиз, партиянинг бирлигини сақлаб қолиш учун курашишимиз шарт.

Бугун ёшлар комсомолнинг қуйидан юқорисигача бўлган раҳбарларнинг янги авлодини сайламоқдалар. Бу йигит-қизлар ва улар орқали барча комсомоллар, партия билан комсомолнинг иттифоқи ёш авлод манфаатларига мос келувчи, жумҳурият мустақиллигига эришиш учун кафолат эканлигини ҳис қилиши, съездимизда ёшларга нисбатан айтилган илиқ сўзлар ва уларга катта ишонч билдирилганлигини англаб олишлари учун барча имкониятларни ишга соламиз, деб сиз съезд делегатларини ишонтиришга рухсат бергайсизлар.

Делегат билан мусоҳаба

ФИКРИНГНИ ҲИМОЯ ҚИЛА БИЛ

Ўзбекистон коммунистларининг XXII съезди ишини кузатар эканмиз, бевосита сарлавҳадаги сўзлар кўз олдимизга келди. Мана, уч кундирки, съезд ўтаётган Санъат саройи ҳур фикрлар, энг яхши орзу-истаклар, қолаверса, тузалмас яраларнинг армони тўлиб тошган кошонага айланган. Делегатларнинг диққат марказида съездда қилинган Сиёсий маърузада кўтарилган муаммолар, билдирилган фикрлар. Маъруза музокараси юзасидан сўзга чиқаётган делегатлар фақат уни маъқуллаш билангина чегараланиб қолаётганликлари йўқ. Кўпчилик нотиқлар жумҳуриятимизда тўпланиб қолган муаммоларни тезроқ ва ижобий ҳал этиш йўлларини таклиф қилиб чиқмоқдалар.

Аслида коммунистларнинг ҳам, комсомолнинг ҳам, партиясизлар ёки норасмий ташкилот ва гуруҳларга бириккан кишиларнинг ҳам асосий мақсадлари бир — халқ турмушини яхшилаш, юрт хазинасини бойитиш, она табиатни кўз қорачиғидай асраш, инсон қадриятига асосий масалалар дея қараш. Эл-юрт тинчлиги тўғрисида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

Жумҳуриятимиз коммунистларининг съезди Москвадаги анжуманлардаги каби шовқин-сурон, эҳтиросларга берилишларсиз ўтаётганлигини таъкидлаш зарур. Бир қарашда ҳаммаси рисоладаги каби бўлаётгандек. Аммо деярли ҳар бир делегат Тошкентга ўз айтар сўзи, дарди билан келган, десак муболаға бўлмас. Фикримизга, съезд делегатлари билан суҳбатларимиз мисол бўлади, деб ўйлаймиз.

Олмагул ОРУНБАЕВА, Нукус шаҳридаги алоқа ишлаб чиқариш техника бошқармасининг халқаро телефон станцияси электр механиги, бошқарма бошланғич партия ташкилоти котиби:

— Съезднинг биринчи куниёқ ўртоқ И. А. Каримовнинг Сиёсий маърузасини эшитибоқ руҳим кўтарилиб кетди. Унда биз қорақалпоқ халқини ташвишлантириб келаётган талай муаммолар тилга олинди ва уларни бартараф этиш юзасидан жумҳурият партия-ҳукуматининг чора-тадбирлари айтилди. Шуни таъкидлаш жоизки, давлатимиз қабул қилган 1110 ва 340-сонли сиёсий муҳим қарорлар бажарилмай пайсалга солинаётганлигидан жуда ташвишдамиз. Бизда экологик аҳвол йилдан-йилга ёмонлашиб бораяпти. Шунга қарамасдан заҳматкаш қорақалпоқ халқи эртанги кунга умид кўзини тиккан ҳолда халқ хўжалигининг турли тармоқларида астойдил меҳнат қилиб яшаяпти.

Мен котиблик қилаётган бошланғич фирқа ташкилотимизда 63 нафар коммунист бор. Улар 14 қардош миллат вакилларидан иборат. Уларнинг асосий мақсадларидан бири — Иттифоқимизда, қолаверса, жумҳуриятимизда миллий муносабатларни яхши йўлга қўйилиши. Гоҳ у, гоҳ бу жойдаги тартибсизликлар, миллий низолар бизни жуда ташвишлантиради. Байналмилал қон-қардошликни қарор топдиришда партиянинг роли беқиёс эканлигига ишонаман.

Яна бир зарур масала — бошланғич партия ташкилотининг мустақиллигини таъминлаш кафолатланиши керак. Бизнинг фирқа аъзоларимиз ягона Коммунистик партия тарафдорлари бўлишса-да, лекин шу билан бирга кўппартиявийликни ҳам рад этмайдилар. Улар кўппартиявийлик коммунистларни янада мустаҳкам жипслашишга ва янада фаол ишлашга ундайди, деган фикрдалар. Жумладан, мен ҳам.

Замирахон БОЗОРОВА, Бухоро вилояти Навбаҳор ноҳиясидаги «Гигант» давлат хўжалиги комсомол қўмитасининг котиби:

— Съездда ёшлар муаммолари юзасидан сўзга чиқмоқчи эдим. Маърузани тинглагач, фикримдан қайтдим. Чунки кўп саволларимга ундан жавоб топдим. Айниқса, партия билан комсомол ўртасидаги муносабатларга тааллуқли фикрларга юз фоиз қўшиламан. Энди бу фикрларга амал қилинса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Шу нарсани афсус билан айтишим керакки, бизда масалан, хўжалик бошланғич партия ташкилоти комсомол ташкилотимизга дастёр сифатида муносабатда бўлади. Холбуки, ташкилотимизда 800 нафар комсомол аъзоси бор. Улар ўз ташкилотини мустақил бўлишини, имкониятлари кенгайишини исташмайдими?

Қолаверса, партиянинг комсомолга муносабати ўзаро шериклик асосида бўлмас экан, мана шундай олий минбардан айтилаётган ақлли гаплар шу ернинг ўзида қолиб кетаверади.

Съездда қишлоқ кишилари турмуш даражасини ошириш, ёшларни уй-жой билан таъминлаш юзасидан кўплаб фикрлар, таклифлар, режалар айтилди. Масалан, бизнинг қишлоқларимиз газлаштирилаяпти, ёш оилаларга уй-жой қуриш учун ер берилаяпти. Бизни ёшлар ўртасида ишсизликнинг ортиб бориши ташвишлантиради. Ишсизлик кўплаб нохуш воқеа-ҳодисаларни келтириб чиқаради. Шунинг учун партия ташкилотлари ҳам, комсомоллар ҳам бу муаммога тенг ёндашишлари зарур, деб ҳисоблайман.

Умуман, съезд шахсан менинг онгимда инқилобий ўзгаришлар ясамоқда.

Ҳайдар АКБАР,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида комсомолнинг ҳам илғор вакиллари иштирок этишяпти. Улардан бири — Самарқанд вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби Беҳзод ЗОКИРОВдир.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби И. А. Каримовнинг Сиёсий маърузасида сизда қандай таассурот қолдирди?

— Маърузани съезд делегатлари ғоят диққат-эътибор билан тинглашди. Шу жумладан, мен ҳам. Унда ғоят ўткир муаммолар олға сурилган. Энг муҳими, партия халқ ишончини оқлаш учун яна бир имконият берилганлиги тўғрисида айтилган фикр адолатлидир. Шунинг учун партия ҳамиша халқ ташвиши, унинг талаб-эҳтиёжлари билан яшамоғи зарур.

Мен уларнинг ҳаммасини санаб ўтмоқчи эмасман. Буни Ўзбекистоннинг ҳар бир меҳнаткаши, комсомол-ёшлари яхши билади ва сидқидилдан уни қўллаб-қувватламоқда.

— Партия сафидан ўз ихтиёри билан чиқиб кетаётганларга муносабатингиз қандай? Мамлакатимизнинг баъзи бир жойларида партия билетини ёндириб юборган кишиларни кўрганда бир коммунист сифатида қийналасизми ёки бу шунчаки бир ҳол деб қарайсизми?

— Мени партия билетини ёқаётганлар эмас, улар орасида турган халқни кўриш қийнайди. Менинг назаримда, партия билетини ёққан коммунистлар ўзларини «нималардандир» сақлаб қолиш, ўзларининг халқ билан биргаликларини шу йўл билан исботлашга уринаётган кишилардир. Ишонаманки, партиянинг халқ олдидаги роли тасаввур қилмас даражада ошса, ўша партия билетини ёққанлар қайтадан партияга аъзо бўлишга ҳаракат қилишади. Афсуски, шамолнинг эсишига қараб фикрини ўзгартирувчи коммунистлар ҳам орамизда йўқ эмас.

— Съезд делегатининг асосий бурчи деб нимани тушунасиз?

— Муҳокама қилинадиган ҳар бир масалага жиддий муносабатда бўлиш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, қабул қилинадиган ҳар бир қарорга фикр билдира олиш.

— Бугунги кунимизда оддий инсон ва партия аъзосининг ўртасидаги фарқ нимада?

— Ҳамма хатоимиз аслида ана шу фарқ бор, деб тушунишимизда. Оддий инсонлар билан коммунистлар ўртасида ажралиб турувчи фарқ бўлмаслиги керак. Олдинлари раҳбарлар фақат партия аъзоларидан тайинланган. Иқтидорли кишилар партия аъзоси бўлишмаса, раҳбарликка тайинланмаган. Оддий инсонлар улар олдида фақат иккинчи шахсга айланган. Йўқ, инсонлар ўртасида фарқ бўлмаслиги керак.

— Халқ орасида партия ролининг тушиб кетаётганлигига, Сизнингча, сабаб нимада?

— Партиянинг эмас, Марказий Қўмитанинг роли тушган, деб ўйлайман. Лекин Марказий Қўмита партия дегани эмас-ку. Ўзбекистонда партиянинг роли бошқа жумҳуриятлардагидек қийин аҳволга тушгани йўқ ва бунга йўл қўйилмайди, деган фикрдаман. Чунки, жумҳуриятимизда халқ тақдирини ўйловчи фармонлар қабул қилиняпти. Халқ партияга ишонади, деб ўйлайман. Бу бўлаётган съездда ҳам ўз ифодасини топса керак.

— Партиядаги ҳозирги демократияни ҳақиқий деб биласизми?

— Йўқ. Ҳатто ноҳия, вилоят раҳбарларининг айримлари ҳам буни ҳали тўғри тушунишмаяпти. Демократияни ниқобга айлантириб, ўз мақсади йўлида фойдаланишга уринаётганлар ҳам бор. Балки ҳақиқий демократияга эришиш учун бугунги ҳолатни ҳам бошдан кечириш керакдир.

— Партия ўз кучини ва ролини йўқотса, Сиз партия сафида қоласизми?

— Мен ҳамма вақт яхши кунларга умид билан яшайман. Агар менинг дунёқарашим, фикрларим Коммунистик партия билан қарама-қарши бўлишни ҳолати вужудга келса, партия сафидан чиқишим мумкин. Лекин мен Коммунистик партиянинг қандайлигини билиб аъзо бўлганман. Дунёқарашим партиянинг ҳам бошқача бўлмаслиги учун янги қабул қилинган партия Уставига, Ҳаракатномасига ўз фикримни сингдиришга ҳаракат қилишим керак, деб биламан.

— Давом этаётган съездда асосий эътиборни нималарга қаратишни истайсиз?

— Партия комсомолни йўқотмаслиги керак. Агар партия эртанги кунига ишона олса, комсомолни унутмайди. Бу ҳақда сиёсий маърузада анча яхши сўзлар айтилди.

Бугунги муаммоларга съездда эътибор берилиши лозим бўлган масалаларни санаб тамом қилиш қийин. Лекин асосийси ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсиши, экология муаммолари деб биламан. Мана шу муаммолар узил-кесил ҳал қилинмаса, съезд ўтказишдан мақсад нима?

Суҳбатдош
Гули ЧЕҲРА.

Хорижлан хабарлар

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК УЧУН

САН-ФРАНЦИСКО. «Биз совет Президентининг ташрифи Калифорния бизнесига Совет Иттифоқи билан реал ҳамкорлик қилиш йўлларини топишда ёрдам беришидан умидвормиз. Биз СССР билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга нисбатан жуда некбин кайфиятдамиз, — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда «Эконотек» компаниясининг вакили, «американликлар қайта қуриш муваффақияти тарафдорлари корчалонлар гуруҳининг раҳбарларидан бири Стивен Путуфф. — Кўпгина катта фирмалар Совет иттифоқилик шериклар билан қўшма корхоналар тузиш тўғрисида таклифлар киритишга ёки ҳамкорлик қилишнинг ўзга шаклларини кўриб чиқишга тайёр. Мени вакил қилиб юборган компания Москвада катта ресторан қуриш учун тайёр лойиҳага эга».

Калифорния маҳаллий иқтисодий доиралари СССР билан муносабатларни ривожлантиришдан ўз манфаатдорликларини намойиш этиш учун ҳар бир имкониятдан фойдаланмоқда. Бизнес вакиллари мунтазам равишда матбуот, радио ва телевидение орқали чиқиб, қўшма бизнес учун катта имкониятлар борлиги тўғрисида гапирмоқдалар.

Ҳозир Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик қилишга фақат Калифорниядаги катта компаниялargина интилаётганлари йўқ. Жуда кўплаб майда фирмалар ҳам ўз хизматларини таклиф қилишга тайёр. Калифорния маъмурий маркази Сакраментода жойлашган «Тауэр Рекордс» фирмаси Москвада катта магазин очишни таклиф қилмоқда. «Совет Президенти Горбачевнинг Сан-Францискога ташрифи бизнинг бу йўналишдаги қийинчиликларимизни камайтиришига умид қиламиз», — деди шу компания раҳбари Расс Соломон.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БОНН. ГФЖ ташқи ишлар вазири Ганс-Дитрих Геншер ўзаро қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида эришилган келишувларни ҳамда томонларнинг мазкур соҳада олиб борилаётган музокараларга янги омил бахш этиш ниятини қутлади. У Ғарбий Германиянинг ЦДФ телепрограммаси мухбири билан суҳбатда олий даражадаги Совет-Америка учрашуви Европадаги вазиятнинг ривожланишига, қитъада юз бераётган интеграция жараёнларига ижобий таъсир қилишини ҳам таъкидлади.

Янги Европанинг қурилиши, деб таъкидлади вазир, ҳарбий-сиёсий муаммолар билан бирга иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни, барча мамлакатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги куч-ғайратларини кооперациялашни ҳам ўз ичига олади. Вашингтонда эришилган силжиш Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш жараёнининг ривожланишига ёрдам беради, бу эса умумий манфаатларга мос тушади. Геншер Германия бирлиги ташқи жиҳатларини барқарорлаштириш масаласига тўхталиб, учрашувда «2 плюс 4» формуласи бўйича музокараларда илгари силжиш учун яхши шароит яратилганини уқтирди.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатида ўғирлаб кетилган Би-би-си мухбири Юсуф Жамил озодликка чиқарилди. Ҳиндистон ахборот агентликларининг хабар қилишича, у уйига куннинг иккинчи ярмида қайтиб келган ва ҳозир соғ-саломатдир.

Ю. Жамилни Ҳиндистон армияси формасини кийган номаълум шахслар Сринигардан олиб чиқиб кетишган эди. Гувоҳларнинг таъкидлашича, унинг боргоҳи ёнига ҳарбийларнинг енгил автомобили ва 15 нафар аскар тушган юк машинаси келиб тўхтаган ҳамда Юсуф Жамилни номаълум томонга олиб кетишган. Гарчи Юсуф Жамилнинг ўзи буни тасдиқлаб, матбуот вакилларига ўзининг бир кеча-кундуз ичида маҳбус сифатида Бавар, Летапор, Кханабал армия лагерларида бўлишга улгурганини ва ниҳоят Урига кўчирилганини айтган бўлса-да, штат ҳукуматининг расмий вакили сўнгги дақиқагача «Армия Би-би-си мухбирини қамоққа олмаган», деб таъкидлайверди.


(ТАСС).

ИШ ҲАММАГА ЕТАДИ

✦ **АНДИЖОН бадиий буюмлар фабрикаси янги филиалининг жамоаси савдо тармоғининг дастлабки буюртмасини бажаришга киришди, 50 нафар тикувчи-мотористка маҳаллий вагон депоси учун ёстиқ жилдлар ва чойшаблар комплектларини тайёрлай бошлашди. Шу билан бирга бу ерда болалар кийимлари тикиш йўлга қўйилган.**

Филиал Балиқчи ноҳиясидаги Киров номли жамоа хўжалигида очилди. Корхонада яқин кунларгача ишсиз юрган хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Йил охиригача ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва яна эллик кишини ишга жойлаштириш режалаштирилган.

— Ҳозир филиални икки сменада ишлашга ўтказиш масаласи ҳал қилинмоқда, — дейди фабрика бош муҳандиси А. Йўлдошев. — Биз филиални барча зарур нарсалар — материаллар ва ускуналар билан мунтазам таъминлаб туришга ҳаракат қиляпмиз. Икки сменада ишлашга ўтиш эса яна юз кишини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш имконини беради.



Аёлнинг кўркига жозиба улашадиган мато қайси? Атлас! Унинг янада ранг-баранг бўлишлиги йўлида нималар қилинаяпти? Саволнинг жавобини Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасидан излаСак.

У ерда ҳозир қайта таъмирлаш ишлари кетаяпти. Хорижнинг замонавий, ускуналари билан. Мақсад 15 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштириш. Таъмирлаш тугагач, корхонанинг соф даромади 33 миллион сўмни ташкил этади.

Абдулазиз Кенжаев эса янги Чехословакиялик биродарларимиз ишлаб чиқарган гул босиш машинасини бошқаради.

Сурат муаллифи А. КОВТУН. (ЎзТАГ).

Жумҳурият янгиликлари

✦ **ТОШКЕНТ тўқимачилари ишлаб чиқариш чиқиндиларини чиқитга чиқаришмади. Улар Франция, ГФЖ ва Голландия фирмаларига тароққа илиниб тўпланиб қолган 200 тонна тукни жўнатдилар. Бундай тарандилар илгари ахлатга ташлаб юбориларди. Бу тадбиркорлик комбинатга 250 минг доллар даромад келтирди. Бу маблағ электрон-ҳисоблаш техникаси ва чет элда тайёрланган ускуналар учун эҳтиёт қисмлар сотиб олишга сарфланди. Ҳозирнинг ўзидаёқ Тошкент тўқимачилик комбинатига Америкада ишлаб чиқарилган компьютерларнинг дастлабки туркуми келтирилди.**

* * *


✦ **ҚЎҚОНДАГИ «Электромаш» заводининг меҳнат жамоаси кенгаши ва маъмурияти қабул қилган қарор бир қарашда ғалати кўринади. Улар ўртасида яқинда имзоланган шартномада шундай дейилган: корхонанинг ҳар бир ходими, агар у ўз соғлиғини ўйлаган ва йил давомида касаллик туфайли бирон иш кунини йўқотмаган бўлса, пул тўланадиган беш кунлик қўшимча таътил олади.**

Бундай шартномани имзолашдан олдин бу ерда иқтисодчилар роса ҳисоб-китоб қилишди. Улар тақдим этган ҳисоб-китобларга қараганда, таътилга беш кун қўшиб бериш одамлар ишга чиқмаслиги туфайли кўриладиган зарарга нисбатан анча фойдалироқ экан.

Бу, маъмурият ва меҳнат жамоаси кенгаши корхона меҳнаткашларига қилаётган ғамхўрликнинг ягона намунаси эмас. Бу ерда ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Йил бошидан буён, масалан, пландан ташқари олинган даромаднинг бир қисми аёлларга болаларини парваришлаш учун нафақа тўлашга сарфланмоқда. Бу ерда йигирма йилдан кўпроқ ишлаган элликка яқин ветеран ҳам ўз пенсиясига салмоқли қўшимча олмоқда.

Бу йил завод ижтимоий-маданий режани амалга ошириш учун жами уч юз минг сўм ажратилди.

(ЎзТАГ).



Дунёда нима кўп, мўъжиза кўп. Аслида ҳаётнинг ўзи мўъжизалардан иборат эканлигини ҳам тан олиш керак. Мана бу суратга қаранг, ГДРнинг Колпин шаҳрида яшовчи Дитер Зенфт ғаройиб велосипедлар моделини ўйлаб топади. Унинг ихтиролари бир қанча рекордлар китобларида ҳам қайд этилган. Дитер яқинда яна бир кашфиётга қўл урди. Кўриб турганингиз — жажжи велосипедда бемалол ётиб сайр қилаверишингиз мумкин.

(ТАСС сурати).

Муҳокама учун мавзу

ФИЗИКАМИ ЁКИ «ТАБИАТШУНОСЛИК»?

Эшитдингизми, йўқми, ҳайтоvур 1991 йилдан бошлаб физикани табиатшунослик таркибида ўрганишни тавсия этишмоқда. Яъни, у, агар бу таклиф ижобат топса, алоҳида ўқув фани сифатида ўрганилмайди. Бу борада ҳатто ўқув программалари эълон қилинди, (журнал: «Физика в школе», 1988 г. № 6), бир қатор дарсликлар яратилди, китоблар чоп этилмоқда. Баъзи олимлар, ўқитувчилар таклиф этилаётган ушбу ғояни қўллаб-қувватламоқдалар.

Тўғри, кишилик жамияти тарихидан ҳам маълумки, аввало фан вужудга келгунга қадар ҳозирги ҳамма фанлар ягона табиий фан деб қаралиб, бир фан сифатида ўрганиб келинган. Физиканинг ўзи юнонча «физюс» сўзидан олинган бўлиб, табиат деган маънони англатади. Ҳақиқатан ҳам, табиат ва унда содир бўладиган ҳодиса ва жараёнларнинг асл моҳиятини табиат фанлари ўрганган. Табиатшунослик фанлари орасида физика фани бошқа фанларнинг сардори бўлиб, асосий ўринлардан бирини эгаллаб келган.

Ҳозирги вақтда физика фани техника тараққиёти учун асосий таянч ҳисобланади. Масалан: космик фазони ўзлаштиришни физика фанисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунингдек биология, медицина химия ва бошқа фанларнинг ривожланиши учун унинг аҳамияти жуда катта. Инсоннинг дунёқарашини шакллантиришда физика фани асосий омил ҳисобланади. Физика фанини дорилфунунларда, медицина, қишлоқ хўжалиги ва бошқа институтларда, педагогика олий ўқув юртларида, техникумларда талабалар ўрганмоқдалар.

Физика элементлари табиатшунослик курсида ҳам ўз ифодасини топган. Айниқса, IV синф табиатшунослик дарсларида иссиқлик, электр, оптик ҳодисаларга оид материаллар ўрганилади, худди шунингдек V, VII, синф табиий география курсида, V синф ботаника ҳамда VII, X синф химия курсларида айрим физик тушунчалар ўрганилади. Демак, физика қонунларисиз бу табиий фанларнинг асослари яхши ривожлана олмайди.

Физикани IV, V, VI синфлардан бошлаб ўрганиш мумкинлигини илмий-тадқиқотчи ва методист олимлар илмий жиҳатдан исботлаб берганлар. Шу вақтга қадар физика фани VI синфдан бошлаб ўрганилар эди. Сўнгги вақтларда VII синфдан бошлаб ўрганила бошланди. Физика 6-синфда ҳафтасига 2 соат, 7-синфда 2 соат, 8-синфда 3 соат, 9-синфда 5 соат, 10-синфда 5 соат ўрганилар эди. Кейинчалик 9-синфда физика 4,5 соат ўрганилди, ҳозир эса 4 соат ўрганилмоқда. Умуман физика фанини ҳафталик ўрганиш қуйидагича бўлган:

1947-1948 й.	— 14,5 соат;
1958-1959 й.	— 16 соат;
1962-1963 й.	— 17 соат;
1988-1989 й.	— 15 соат.

Кези келганда шуни айтиш керакки, химия, биология, география фанларини физика фани билан қўшиш мақсадга мувофиқмикан? Бу фанларнинг ҳар бирининг ўз вазифаси, асоси, олдига қўйган мақсадлари бор-ку! Бу саволга юқорида қайд қилинган бошқа фан ўқитувчилари нима дер эканлар? Борингки, юқорида номланган фанларни қўшиб ягона бир фан сифатида ўқитиш учун мактабга киритдик дейлик. Бу фанни ким ўқитади? Кимё ўқитувчисими? Ёки физика, биология, география мутахассислиги бўйича диплом олган ўқитувчиларми? Бир ўйлаб кўрайлик, ҳозирги вақтда шундай ўқитувчиларга эгамизми? Бизнинг фикримизча, бунинг учун энг аввало биз универсал қобилиятли ўқитувчи тайёрлашимиз даркор. Жумҳуриятимиз табиий шароитини ҳисобга олган ҳолда оригинал программа тузиб, бу программа асосида дарсликлар яратиб, уни 2-3 йил мобайнида амалиётда синаб кўриш керак.

Олимлар билан бўлган суҳбатда шу нарса аниқ бўлдики, деярли кўпчилик бу ғояга қарши, яъни физика фанини мактабларда, техникум ва ўрта махсус ўқув юртларида алоҳида ўқув фани сифатида ўқитиш тарафдоридирлар. Шўъбамиз апрелда Тошкент шаҳридаги методистлар ва ўқитувчилар билан фикр алмашди. Тошкент шаҳри, Калинин ва Янгийўл ноҳияларидаги физика ўқитувчилари ўртасида ҳам бу мавзу муҳокама этилди.

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти физика, астрономия ва экология: химия ва биология; география шўъбалари илмий ходимлари ҳам бу фанларни бирлаштириш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидладилар, яъни мактабда физика фанини ўқитишнинг яхлитлигини бузмаслик зарур, деб топдилар.

Шундоқ ҳам табиат фанлари бўйича ўқувчи ёшларимизнинг билим савиялари юқори эмас. Агарда интеграллаштирилган (умумий) курс яратиб, шу курс асосида ўқувчиларга билим берилса, у ҳолда олий ўқув юртига кирувчи абитуриентлар қандай фанлардан имтиҳон топширадилар, деган савол туғилади. Умумий олий ўқув юртларининг ва халқ маорифининг келажак равнақи қандай бўлади? Кимларни, қайси мутахассисликлар бўйича тайёрлаймиз?

Биз кўплаб пахта ҳосилини оламиз, деб Орол денгизини хавф остида қолдирдик. Бу билан 4 та жумҳурият экологик ҳолатига салбий таъсир этибгина қолмасдан, балки бошқа мамлакатларга ҳам таъсир қиларли муаммоларни вужудга келтирганимиз ҳозирги кунда сир эмас. Одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар дунёси қирилмоқда, қолганларининг эса яшаш шароити оғирлашмоқда.

Агар жумҳуриятимиз педагогика илм-фани ривожланишини Орол денгизига ўхшатсак, унда химия, биология, география, физика, астрономия фанларини Оролга бориб қуйиладиган Аму ва Сирдарёга қиёслаш мумкин. Юқоридаги табиий фанларни бир фан қилиб ўқитиш шу тасаввурга олиб келади.

Табиатшунослик курси программаси билан танишганимиздан кейин, бизда туғилган фикр-мулоҳазалар ана шулардан иборат. Бу борада жумҳуриятимиз олимлари, ўқитувчилар, таълим-тарбия соҳасидаги етук мутахассислар ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирсалар нур устига аъло нур бўлурди.

Э. ТУРДИҚУЛОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор.
Б. МИРЗААҲМЕДОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

МОЛХОНАДА МУСИҚА ЯНГРАЙДИ

⊙ Бундан бир неча йил муқаддам ГФЖ матбуотида эълон қилинган хабарда айтилишича, мусиқа сигирлар сутининг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатар эмиш. Шу хабарга асосланиб жуда кўп фермерларнинг молхоналарида мусиқа янгради, лекин сут кўпаймади.

Молбоқарлар эса текшириш олиб боришларини талаб қилдилар. Электрон датчикларнинг маълумотига кўра, сигирларга на Моцарт, на Брамс, на поп-ансамбль куйлари таъсир қиларкан. Аммо барибир молхоналарда мусиқа янграяпти. Энди у сигирларга эмас, балки фермер ва молбоқарларга таъсир этиб, улар кайфиятини яхшиламоқда, дейилади «Вохенпост» (ГДЖ) ҳафталигида.

ОЛТИН: АВВАЛ ВА ҲОЗИР

⊙ АВВАЛЛАРИ катта оғирликлардаги соф олтин кўплаб топилган. Ҳатто уларга номлар берилган.

1869 йили Австралиядаги қишлоқ йўли чуқуридан топилган, «Қимматли нотаниш» деб номланган олтин софликда «чемпион» ҳисобланади. Топилманинг умумий оғирлиги 70,9 килограмм бўлиб, соф олтин 69,6 килограммни ташкил этган. Ўша ерда, яъни Австралияда топилган, «Плита Холтермен» деб ном олган олтин бўлагининг вазни 285 килограмм бўлиб, соф олтини 93 килограмм эди. Ҳозирги кунда эса, олтин олиш учун жуда катта миқдордаги рудаларни қайта ишлашга тўғри келади. Масалан, 1980 йилда Жанубий Африка Жумҳуриятида бир тонна рудадан 7,3 грамм олтин олинган бўлса, 1984 йилга келиб бу рақам 6,5 граммга тушиб қолган, деб хабар беради ДПА агентлиги.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

АРМОНЛИ ЙИЛЛАР

...ШУКУР КАЛОНОВНИНГ Сибирда ўтган умри ўзи бир достон, фожиа... Ўша 37-йилнинг қора кўланкаси у сингари мингларнинг осойишта ҳаётини остун-устун қилиб юборган бўлсада, бу кўргуликни ҳамон эсидан чиқара олмайди. Ҳамон ўзини айбсиз ҳисоблайди. Туҳматлардан ҳамон юраги безиллайди. Ҳеч бир қўпорувчиларга қўшилмаган, улуғ доҳий Сталин ва унинг атрофидагиларни ҳеч ҳам ёмонламаган. Тўғри, ўзи ёқтирган ижодкорларнинг асарларини кўп бор ўқиган. Қолаверса, у адабиёт ўқитувчиси бўлган.

Армонли йиллар. Орзулар пучга айланган давр. Афсус, у ўйлагандек бўлиб чиқмади. Уни аллақачон «халқ душмани»га чиқаришган. Унинг ҳар бир қадами, сўзидан иллат излашарди. Жавонидаги 1927 йилда чоп этилган «Ишчи-деҳқон календари» бошига кўп ғавғо солди. Бунинг устига синфдош дўстларидан бири НКВДга бўҳтон ёзиб берибди. Бир вақтлар жуда иноқ бўлгани ва уйидаги календарни кўргани сотқинга қўл келган.

Ўша йиллардаги партия ва ҳукумат раҳбарлари, шу жумладан Л. Д. Троцкийнинг портрети чоп этилган календарни Шукур жуда қадрларди. Кимдир унга «кўмак» бериш мақсадида 36-йилга келиб, Сталиннинг ашаддий ғанимига айланган В. И. Лениннинг сафдоши, совет ҳукуматининг биринчи ҳарбий комиссари Л. Д. Троцкийнинг суратини алоҳида қилиб, атайлаб қирқиб қўйибди. Худди шу «гуноҳи» ҳам уни Ватан хоинларига, тузум душманларига ён босган, деб айбланишига сабаб бўлди.

— Акамнинг дафъатан қамоққа олинишидан биз ҳам бехабар қолганмиз, — деб эслайди Садриддин Калонов. — Ваҳоланки, бир ҳовлида турардик. Тунда НКВД ходимлари унинг хонасини тинтув қилишиб, ўзини олиб кетишганидан тонгда воқиф бўлдик. Буни қарангки, Чўлпоннинг «Тонг сирлари» тўплами, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Обид кетмон» романларини вақтинча мен ўқишга олувдим. Юрагимиз ёрилиб зудлик билан уларни латта-путтага ўраб, ҳовлимиз ўртасидаги ўрага кўмиб қўйдик. Тинтувчиларнинг қайтиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмасди. Шу боис ҳаммамиз юрак олдириб қўйгандик. Ҳеч кимга ишониб бўлмасди.

— Болаларимнинг отасини олиб кетишганида иккинчи фарзандимга оғироёқ эдим, — дея ҳикоя қилади Ҳамида хола, — бу бедодлик менга мушкул ботди. У кишидек ҳокисор, ҳалол одам дунёда кам топиларди. Бирор марта қаттиқ гапиргани ёки бировни ёмонлаб сўзлаганини эшитганим йўқ. Шундай инсонни «халқ душмани»га чиқариб қўйишганига ҳеч ақлим етмайди. Аммо додимизни кимга айтардик? Тилимизни қисиб қўйишди. Чунки ўша кезда Шукур акага ўхшаган қанча-дан-қанча ҳалол инсонларнинг уйи мотамхонага айланганди...

— Отамни илк бор ҳибсга олишганда 4—5 ёшли бола бўлсамда, биз кўрган хўрликлар кўз ўнгимдан ҳеч қачон кетмайди, — дейди Бадриддин Калонов. — Тергов тугаб, суд ҳукми эълон қилинганидан сўнг, отамни жўнатадиган куниёқ онам мени ҳам ўзи билан бирга олиб боргани ҳеч эсимдан чиқмайди. Кун иссиқ. Биз босган темир йўл излари қизиб ётибди. Мен бўлсам оёқ яланг. Шу дам узоқдан отамни вагонга чиқаришаётганига кўзим тушиб қолди. Товонларимнинг ёрилиб кетганига қарамай, унинг олдига югурдим. Шу дам ҳарбий соқчи етаклаб турган итлардан бирини қўйиб юборди. Ундан қўрқиб, қочаётганимда йиқилиб тушганча, дод солиб юборганим хаёлимдан кўтарилмайди. Зеро, инсон боласи учун ўша кезда шунчалик шафқатсизлик керакмиди? Наҳотки, муаллимликдан бошқа юмушга қўл урмаган отам замонанинг зайли билан бир айланиб, ашаддий душманга чиқиб қолган бўлса-я?!

* * *

...Узоқ юртларга боришга хуши йўқ эди. Уни эса мажбур қилишди. Кўнглидаги ишидан, қадрдон диёридан, меҳрибонларидан маҳрум этишди. У фақат бир ҳақиқатдан: бекордан-бекор отилишдан қутилиб қолганига шукр қиларди. Ўзи яхши билган шоир дўсти Элбекнинг қора тақдиридан хабардор. Эл севган адиб Абдулла Қодирийга нима бўлди? Ҳаммага устоз Чўлпоннинг ҳоли нима кечди? Қизиққон Усмон Носир ҳозир қаерда экан? У бу сўнгсиз саволларга жавоб топа олиш қудратига эга эмасди. Темир панжарали вагон туйнигидан ташқарига термулиб борар экан, ана шуларни ўйларди. Модомики, тирик қолса, бир кун она юртига қайтар.

Аммо ортга қайтадиган йўлга ҳали кўп вақт бор эди. Ш. Калонов Сибирнинг аёзлари ўзига шунча қаттиқ таъсир қилади, деб ўйламаганди. Унинг кўз очирмайдиган қор бўронлари жон-жонидан ўтиб кетарди. Ноилож, ҳаммасига чидайди. Келган заҳотиёқ сочлари ўз-ўзидан тўкила бошлади. Сўнг тишлари тушиб кетди. Тез орада баданлари суякларига ёпишиб қолди. Аммо қандай бўлмасин, ҳаёт учун курашарди. Ойда-йилда келадиган бир энлик хатни орзиқиб кутарди. Ўзи ҳам шу орада бир мактуб битарди, холос. Уч дақиқа давом этган махсус кенгаш ҳукм этган беш йилни ит азобида ўтказди. У қамоқда Улуғ Ватан уруши бошланганидан хабар топди. Ҳозир юртида бўлганида албатта жангга отланарди. Бу ерда уни чор девор ичида сақлашмоқда. Қамоқдан кейинги бадарғалик ҳам узоқ чўзилди. Уч йил ўтгач, суд қарори бўйича унга жавоб беришлари лозим эди. Аммо унга буни ҳам раво кўришмади. Бамисоли, у яна қайтиб борса, бирор кори-ҳол қилмасин, дея эҳтиётдан ушлаб туришарди. Ниҳоят уруш тугаб, омон-омонлик бошлангандагина озодликка чиқди. У бир ҳолатда уйига боришга ор қиларди. Бахти қора инсонлардек шумшайиб боришдан ёмони йўқ. У қанчалик рутубатли бўлмасин, жигарлари бағрига тирик қайтди.

* * *

Чиркин Сибирь тутқунлигидан омон қайтиб келганларга ҳа деганда мурувват кўрсатаверишмасди. Уларга ишончсизлик кучли бўлиб, эркин нафас олишга ҳам рухсат йўқ. Шу боис ҳибсда бўлганлар учун катта шаҳарларнинг эшиклари берк. Собиқ маҳбуслар оиласи алоҳида кўрсатмага биноан шаҳардан камида 50 километр нарида туриши мумкин эди. Агарда кимки, бу қоидага амал қилмаса... У оиладагилари билан маслаҳатлашиб, Қўйлиқдан сал нарироқда жойлашган Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан паноҳ топди. Ҳарқалай бу ерлар Тошкент вилоятига қарашли. Бу эса амалдаги тартибга тўғри келади. Унга болаларни ўқитиш, энг муҳими, адабиётдан сабоқ бериш ман этилган... Бир амаллаб Қўйлиқдаги 2-гурунч заводига оддий ишчи бўлиб ёлланди. Корхона маъмурияти ҳарқалай унга ётоқхонадан жой ажратди.

— Урушдан кейинги йиллар жуда оғир келди, — дея хотирлайди Бадриддин Шукурович, — отам қайтиб, бағримиз тўлиб қолган бўлсада, қорнимиз тўйиб овқат емасдик. Ҳатто ойлаб гўшт бўлмай, ҳафталаб қозон осилмасди. Кунларнинг бирида онам рўзғоримизнинг ночорлигидан нолиб қолдилар. Шунда отам кепакдан ҳам сархил таомлар тайёрлаш мумкинлигини айтиб, бу кунларга ҳам шукр қилишни таъкидладилар.

Қўйлиқда турган йилларимизда синглим Зийнатхон туғилди. Қишда уйни кўмир ўрнига қипиқ билан иситардик. Шоли қипиғини заводдан сотиб олиб кун кўрардик. Унинг бир қопчиғи эрталабгача уйни иситишга ва овқат пиширишга етиши лозим. Агарда овқат тайёрлашга кўпроқ кетиб қолса борми, у тақдирда уй музлаб кетарди. Аёзнинг зўрлигидан синглим шамоллаб қолди. Шунда отам Узоқ Шарқда ўтган кунларидан бир лавҳа сўзлаб берганди. У кишининг ҳикоя қилишича, маҳбусларни ишга совуққа ниҳоятда чидамли, ҳатто йиртқич ҳайвонлар билан олишишга ўргатилган итлар етаклаган қўриқчилар ҳайдаб боришар экан. Меҳнатнинг машаққатлилигидан маҳбуслар Сибирь аёзларини бамисоли сезмасди. Ҳибсдагиларнинг иш вақти 12-14 соатга чўзилар экан-у, аммо уларни қўриқлаб турган итлар хизмати бор-йўғи 2 соат. Чунки улар бундан ортиққа бардош бера олмас экан.

Бадриддин отасига, аниқроғи, рўзғорига ёрдам бериш мақсадида қанча оғир бўлмасин ишга киради. Кундузи мактабга қатнаб, кечқурунлари завод клубида киномеханик бўлиб ишлайди. У юмушга киргач, оила ташвишлари бироз бўлса-да юмшагандек бўлди. Аммо уларнинг бахтиёрлиги узоққа чўзилмади. 1949 йилнинг октябрь ойи ўрталарида Бадриддин мактабга бориш учун эндигина ташқарига чиқувди, узоқдан отасининг икки нотаниш киши билан бирга келаётганига кўзи тушди. Улар яқинлашгач, Шукур ака ўғлини имлаб уйга қайтарди. Бадриддин итоаткорона уларнинг орқасидан эргашди. Хонага киргач чақирилмаган меҳмонлар мақсадини англади. Улар Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги вазирлигидан келишган экан. Қамоққа олиш ёки тинтув ўтказиш учун ҳужжат кўрсатмасданоқ «иш»га киришишди. Қанча ҳаракат қилишмасин, пичоққа илинадиган, айблашга дастак бўладиган далил топа олишмади.

Келганларнинг бири ўзбек бўлиб, у шу яқин орада истиқомат қиларди. У ҳар қалай илиқ муомала қилишга ҳаракат қилар, ҳатто Ш. Калоновни бир оз тинчлантирмоқчи ҳам бўлди. Аммо иккинчиси унинг тескариси эди. Рус йигити бутун бор-бутни остин-устун қилиб ташлаганди. Ҳаммага қўполлик қилар, дағдағаси ҳеч бўшашмасди. Ҳамида эрини яна олиб кетишларини сезиб, унинг учун бир сидра уст-бош тайёрлаб бермоқчи бўлганда, хавфсизлик хизмати ходимининг жиғибийрони чиқиб, ҳар бир кийимни аёлнинг қўлидан силтаб олар ва синчковлик билан текшириб, яна қайтарарди.

— Отангиз тўғрисидаги маълумотни Давлат хавфсизлиги вазирлигидан оласизлар, — деб улар Ш. Калоновни олиб кетишди.

30 кун ўтгач Ш. Калонов ДҲВ қамоқхонасида эканлиги ва унга овқат олиб бориш мумкинлигини маълум қилишди. Шунда улар бундан 12 йил илгариги шўр кунлар каби қатнай бошлади. Аммо ҳар сафар ҳам Шукур ака тўғрисида маълумот беришмасди. Олиб борган томоқни обдон текшириб, сўнг ичкарига олиб кетишарди.

— Бир куни овқат олиб борсам, эшик олдида турган барваста соқчи ҳаммасини қайтариб берди, — деб ҳикоя қилади Ҳамида хола, — нега десам, чунки ўтган гал олиб келувдинг, ҳар куни қабул қилиш ман этилган, дейди. Сал ўтмай оиламиз бошига яна бир ташвиш тушганди. Укам Шукрулло Юсуповни ҳам ҳибсга олишди. Унга ҳам миллатчи ёзувчиларнинг асарларини сақлаган, Сталинга қарши шеърлар ёзган, деган тамға босилганди. Эшик олдида турганга бир амаллаб аҳволимни тушунтирувдим, ҳар қалай раҳми келди шекилли, олиб борган тугунимни олиб қолди. Шу куйи кўп бор хор-зор бўлганмиз. Оиламиз бошига ўша кунларда тушган мудҳиш савдоларни айтган билан адо бўлмайди. Бамисоли, 37-йилдаги кўрган уқубатли кунларимиз камдек, яна орадан шунча вақт ўтиб, ҳаммасини бошидан бошлаганларни лаънатлашга сўз топа олмасдим. Наҳотки, тузумимиз шунчалик пуч бўлса? Нега ҳеч ким яхшини-яхшидан, ёмонни-ёмондан ажратиб олиш қудратига эга эмас? Нега, ҳар қадамда инсон бандаси қўрқиб кун кечирса? Эртанги кунига умиди бўлмаса, деган ўйлар мени тарк этмасди. Ахир, бу ишончсизлик қачонгача давом этиши мумкин? Зеро, бу йўл билан бутун халқни касофатга йўлиқтириш ҳеч гап эмас-ку!

Ҳа, 50-йилларнинг бошида шахсга сиғинишнинг иккинчи даврида Ш. Калоновга ўхшаб кулфатга йўлиққанлар оз эмасди. Бир вақтлар улар Сибирнинг аёзли кунларидан омон қолишганига хурсанд бўлишса-да, бугунга келиб яна тутқунликка дучор бўлишганидан диллари тилка-пора бўларди. Инсон бандаси бир ёмонотлиқ бўлмасин. Унинг устидаги қора доғни ювиш наҳотки шунча машаққат бўлса? Нега, уларга ҳеч ким ишонмайди? Нега, ҳар қадамда душман кўзи билан қарашади? Юрган йўлидан, бажарган юмушидан хавфсирашади. Наҳотки, уларнинг нияти шунчалик холис бўлмаса?

Қатағонлик йилларининг қора ёлқини яна қайтиб келгани кўпларни қақшатди. Эртанги кунга ишончни йўқотиб қўйишганди. Ёруғлик кун келишига умид йўқ. Ҳаммадан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган айблар учун жавоб бериш, куракда турмайдиган бўҳтонлар учун ноҳақ жабр тортиш азоби қийнарди. Дардини кимга айтишга, кимдан нажот кутишни билмай кунлар ойларга, ойлар йилларга уланарди. Урушдан ғолиб чиққан совет халқи, энди ўзини ўнглайман, деганда яна орамизда «душман»лар кўпайиб қолганидан ҳамма доғда. Сталин ва унинг атрофидаги юқори раҳбарлар мамлакатда юз бераётган бедодликни оддий ҳол, деб ҳисоблашарди. Қанча одам қамалса, қанча халқ жабрланса, шунча итоатгўй бўлади, деб хом хаёл суришарди. Мамлакат аҳолисини тобе қилдиришнинг ягона йўли — уни озодликдан маҳрум этиш, деб ҳисоблашарди. Ҳар бир халқнинг энг илғор вакилларидан маҳрум этиш, унинг бўйсинувчанлик қобилиятини тубдан оширишга олиб келишига ақллари етиб турарди. Шу боис кун сайин қатағонлик кучайиб, икки киши фисқу-фасод қилса, демак у душман, унинг ўрни эса Сибирь, дея ўта бемаъни хулоса чиқаришарди.

СССР Давлат Хавфсизлик вазирлигининг 1950 йил 25 февралда чиқарган бир қарори кўпчиликнинг ёстиғини қуритди. Унда таъкидланишича, антисовет тарғиботини олиб борган ҳар қандай шахс сургунга маҳкум эди. Ваҳоланки, бу тарғибот қандай бўлиши уларни асло қизиқтирмасди. Норозилик билдиришга ким оғиз жуфтласа душман бўлиб чиқарди. Демак, «уни ўз вақтида пайини қирқмаслик ёмон оқибатларга олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас». Нимасини айтайлик, мазкур бемаънилик билан қанчадан-қанча зиёлилар озодликдан маҳрум этилди. Уларнинг кўпчилиги 25 йиллаб қамалиб, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилганди. Улар орасида Шукрулло, Мақсуд Шайхзода, Шуҳрат, Ҳамид Сулаймон сингари адабиёт ва санъат намояндалари борлигини таъкидлаш керак. Аммо жабр кўрганлар фақат улар эмасди. Ҳаммадан ачинарлиси, бир вақтлар ўтириб келганидаги айблар қайта қўзғалганлиги алам қиларди. Ш. Калоновга 10 йиллик азоб етмаганмиди? Зеро, шу ҳам кам экан. Яна беш йилга сургун қилинди. Бу гал жазони Красноярск ўлкасида ўташи лозим.

— Уззу-кун Давлат хавфсизлиги вазирлигининг Охунбобоев кўчасидаги қабулхонасига қатнаймиз, — дейди Ҳамида хола, — олиб борган нарсаларимни не азобда қабул қилишади. Бир энлик хат олиб чиқишни ҳам эп кўришмайди. Бир куни борсам, қўлимдаги тугунни қабул қилишмади. Нега десам: «Калоновни олиб кетишди», дейишади. «Қаёққа», дейман саросимага тушиб», «Билмайман, ҳаммасини хабар қилишади», деганча тумшуғим олдидаги темир эшикчани ёпиб олишди. Нима қиларимни билмай ўрта йўлда туриб қолдим. Нажот тешикчаси олдида узоқ туриб қолдим шекилли, орқамдаги мен сингари бир куйган секин ўзини билдирди. Ноилож, унга навбат беришга мажбур бўлдим. Уйга қандай етиб келганимни билмайман. Бошимни ёстиққа босиб, узоқ вақт тақдиримнинг тупроққа топталганидан хўрлигим келиб йиғладим. У киши, деб азоб чекишнинг охири борми? Дастлаб қамалган кезда қайтиб келмаслигини башорат қилганлар кўп бўлганди. Шу боис ёш бошимни хароб қилмасликни, вақт борлигида қайта турмуш қуришни маслаҳат беришганди. Ҳатто менга яраша куёв топишиб, икки нораста гўдагимни боқиб олишга рози бўлган одамни рўпара қилишганди. Шунда ҳам хўрлигим келиб, умрим борича эримни кутаман, деган эдим. Мана, бу гал яна уни бағримиздан олиб кетшиганини ҳеч юрагимга сиғдира олмайман. Очнаҳор бўлсак ҳам болаларимнинг отаси ёнимизда эди.

— Акамнинг иккинчи бор қамалиши оиламизнинг ҳар бир аъзосига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади, — дейди Садриддин Калонов. — 1952 йилда Фарҳод ГЭСида инженер бўлиб ишлардим. Шунда мени бош инженерлик лавозимига тавсия қилишди. Бунинг учун Москвага бориб, тасдиқдан ўтиб келишим керак. Шу масалада зарур ҳужжатларни тўғрилаб, пойтахтга жўнатишди. Аммо у ердан қўлтиғимдан тарвузим тушиб қайтдим. Мени қабул қилган вазир ўринбосари асли кимлигимни эслатиб қўйди. Келиб чиқишим билан танишиб чиққач, бир акамнинг қамоқда эканлиги ва яна бири ишдан олинганини билиб, сочи тикка бўлиб кетди. Мендай одамга ишонч билдирганларни албатта жазолаш лозимлигини айтди. Бу вазифани ишониб топшира олмаслигини билдирди...

Ш. Калоновнинг оиласи у қамалиб кетгач, шаҳарга кўчиб келишга мажбур бўлди. Чунки ётоқхонада фақат завод ишчиларининг туришга ҳуқуқи бор. Қамоққа олинган шахснинг оиласи учун эса турар жой бериш кўзда тутилмаганди. Уларнинг Мерганчадаги ҳовлисида ҳам ҳаёт оғир кечди. Оилада ишлайдиган одам йўқ. Шу боис Бадриддин ёш бўлишига қарамай, шаҳар маданият бўлими қошидаги кинолекторийга хизматга киради. 260 сўмга уч киши баъзур кун кўришарди. Унга кинолекторий директори Петр Тимофеевич Ахметов катта ёрдам берди.

Петр Тимофеевич биринчи бўлиб Бадриддинга ВКП (б) аъзолигига тавсиянома ёзиб берди. У ариза бергандан сўнг уч ойлар ўтгач, уни директор чақириб, «Сен Давлат хавфсизлиги вазирлигига учраб, менинг партияга киришим мумкинми», дея сўраб кўргин деди. У сўнг англаса, гап бошқа ёқда экан. Қабул масаласини бир неча бор муҳокама қилган партия ташкилоти Б. Калоновнинг аризасини очиқ қолдириб, у бу борада тегишли жойлардан рухсат олишни билдиришибди. Шу масалада Б. Калонов Давлат хавфсизлиги вазирлигига хат билан мурожаат этди. Жавоб ўрнига ўзини таклиф қилишиб, суҳбат ўтказган ходим яхши муомала қилди. Унинг келиб чиқиши, иши хусусида суриштирди ва партияга кириши мумкинлигини англатди. Афсуски, бу билан мушкули осон бўлмади. Коммунист бўлиш учун кўп кутишга тўғри келди.

«Халқлар доҳийси» — Сталиннинг ўлими ва уни қўлаки жаллоди Бериянинг қамоққа олиниб, сўнг отиб юборилиши фақат озодликда юрганларни эмас, ҳатто қамоқда бўлганларда ҳам умид учқунларини чақнатди. Улар ўзларининг бутун азобларини шу махдудлар туфайли эканлигига амин бўлиб қолишганди. Бу қонхўрларнинг бири ўз ажали билан, бири халқ қаҳрига учраб, даф бўлиши миллионлаб қувғинда кун кечираётганларга бахтиёрлик олиб келишига ҳамманинг кўзи етиб қолганди.

Буни Красноярск ўлкасининг Нанайка қишлоғида сургунда бўлган Ш. Калонов ҳам чин кўнгилдан сезиб турарди. Ва СССР Олий Совети Президиумининг амнистия тўғрисидаги 1953 йил 28 мартда қабул қилган Фармонининг 6-моддасига биноан СССР Бош прокурорига мурожаат этди: «Ҳозирги кунда бизнинг сургун лагерларимизда 37-38-йилларга алоқаси бўлганлар иши қайта кўриб чиқилмоқда, — деб хат битади у. — Уларнинг орасида менинг айбимдан кўра оғирроқ гуноҳлари учун қамалганлар ҳам бор. Худди шу масала сизга мурожаат қилишга мажбур этди. Ўртоқ Бош прокурор, сиздан илтимос қиламанки, тегишли органларга кўрсатма бериб, менинг Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссариатидаги ишимни қайта кўриб чиқишсин... Имоним комилки, хулоса менинг фойдамга бўлади. Агарда бу масала чигил бўлса, у тақдирда Фармонда илгари қамалганлиги сабабли судланганлиги олиб ташлансин, дейилган. Демак, мен ҳам 5 йилга қамалиб, оғир шароитларда жазо муддатини ўтаганман. Колимадаги ер ости шахталарининг бирида ишчи бўлиб меҳнат қилган ҳолда совет кишисига хос тер тўкканман.

Судланганликдан халос этиш билан бирга сургундан ҳам озод қилишингизни сўрайман. Бу ерда мени илгариги айбим билан тутиб туришибди. Иккинчи бор қамоққа олинганда айбим мутлақо кўрсатилмаган. Бундан ташқари сургун мен учун машаққатли бўлиб, бутун соғлигимнинг йўқотилишига олиб келди. Кун кўриш учун менга бутунлай ман этилган об-ҳаво шароитларда ишлашга тўғри келаяпти».

1954 йил 28 июнда СССР Ички ишлар вазирлигининг Красноярск ўлкасидаги бошқармаси томонидан берилган ҳужжатда шундай дейилган: «Калонов Шукур, 1908 йилда туғилган, Ўзбекистон ССРнинг Тошкент шаҳридан, СССР граждани, миллати ўзбек. У Ўзбекистон ССР Олий судининг ҳукми билан 1937 йил 17 июлда Ўзбекистон жиноят кодекси 60-моддасининг 1-қисми билан беш йилга озодликдан маҳрум этилган ва ҳозирги кунда Красноярск ўлкасида сургунни ўтамоқда ва у СССР прокуратураси ва Ички ишлар министрлигининг 1954 йил 24 апрелдаги кўрсатмасига биноан озод этилди. СССР Олий Совети Президиумининг 1953 йил 27 мартдаги Фармонига биноан 1954 йил 8 июнда ундан барча белгиланган жазолар олиб ташланди».

Бу икки энлик қоғоз унинг қарийб 20 йиллик азобларига сўнгги нуқта қўйгандек бўлди ҳисоб. Аммо қалбидаги алам бир умр адо бўлармиди? У қайтиб келгач, қамоқ азобини татиганлардан бири таниқли олим Ҳамид Сулаймонов билан кўп дардлашарди. Ҳар иккаласи ҳам ўзбек адабиётига бўлган меҳри учун жабр кўришганди. Қолаверса, Ш. Калонов унинг отаси, таниқли кино режиссёри Сулаймон Хўжаевни яхши билар ва кўп бор учрашиб турарди. С. Хўжаевнинг ўзбек киносининг ривожи учун қўшган ҳиссасини Ш. Калонов ҳар қадамда қайд этарди. Шундай кунлар бўлардики, Ш. Калонов Ҳамид Сулаймонов билан Сибирда кўрган азобларини кунма-кун эслашиб, туннинг аёзли дамларида қанчадан-қанча яхши одамлардан ажралганликларини хотирлашарди. Улар бу оғир кунларни ҳеч кимга раво кўришмасди.

Икки бор ўз ихтиёрига зид Сибирда бўлган Шукур Калоновни у ердаги уқубатлар адойи-тамом қилганди. Унинг бутун соғлиги узоқ Шарқнинг шахталарида қолиб кетган. Шу боис у ўзини оғир сезарди. Ҳали ҳам шунча азобларга бардош берганига қойил қоларди. Унинг кўз ўнгида Сибирь аёзларига чидай олмай мангуликка бош қўйган асл инсонлар гавдаланарди. Улар номига ўн йилга озодликдан маҳрум этилган бўлишсада, бир умр ўзга юртларда қолиб кетишарди. Кўпчилик муддатини ўтаб, омон-эсон қайтиши ҳам мумкин эди. Азобларга бардош бера олмаганлар бандаликни бажо келтиришарди. Бундай оҳу-зорларни чеки йўқ бўлса-да, унга қулоқ соладиган банда топилмасди. Аксинча, қанча куйинишса шунча қийнашарди. Бамисоли, тезроқ умрини тугатишга ҳаракат қилишарди. Бамисоли, уларнинг она юртларига тирик боришидан ҳеч ким манфаатдор эмасди. Маҳбуслар бу ердан агар тирик чиққан тақдирда ҳам душманлигича қолишади ва яна бирор ножўя иш қилишга тайёр туришади, деган бўлмагур фикр ҳукмрон эди.

Шукур Калоновнинг озодликдаги умри касалхоналарда ўтди. У салга хасталаниб қоларди. Сибирь аёзликларидаги бедодлик қон-қонига ўтиб кетган. Ойлаб шифохоналарда даво топиш учун ётарди. Охири бўлмади. Қисмати оғир кечган инсон 1957 йилнинг январида 49 ёшда оламдан ўтди.

* * *

...Бадриддин ака бу учрашувни кўпдан кутарди. У оиласининг қисмати, аниқроғи, отаси билан боғлиқ воқеаларни қоғозга тушириб, уни Ўзбекистон ССР халқ шоири, тоғаси Шукруллога кўрсатган экан. Ҳамма гапдан воқиф бўлган шоир ўзи бошидан кечирган воқеаларга яна бир бор қайтгандек бўлибди-да, Ш. Калоновдан қолган барча ҳужжатларни эҳтиёт қилишни тайинлади. Бу орада СССР халқлари тарихи музейидан қўнғироқ қилишиб, қатағонлик йилларида қамалганлар тўғрисидаги ҳужжатлар тўпланаётганини маълум қилишди. Шу муносабат билан бу ерда тузилган Бутуниттифоқ «Мемориал» жамиятининг Тошкент бўлими Ш. Калоновнинг ҳаётига оид ҳужжатларни олиб келишни сўради. Бадриддин ака учун отасига тааллуқли ҳар бир бўлак қоғоз қанчалик қадрли эканлигини яхши биламан. Уларни кўп йиллардан бери эҳтиёт қилиб сақламоқда. Отаси тасвири туширилган суратлар унинг учун муқаддас.

Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш институтининг доценти Б. Калонов билан навбатдаги сафардан сўнг учрашишга аҳдлашган эдик. Ўшанда отаси ҳақида батафсил суҳбатлашишга, ўзи қоғозга туширган хотираларни янада кенгроқ ўрганишни мўлжаллагандик. Уни қарангки, сафардан кейин ҳам ишлар кўпайиб, берилган ваъда озроқ чўзилди...

Ҳамида хола мени кўриб, боши осмонга етганди. У анча йилдан бери хаста бўлса-да, руҳи тетик. У сим кароватда ўтириб, мени узоқ дуо қилди. Сўнг ўз-ўзидан сўзга тушиб кетди. Унинг хотираларини бўлишга, суҳбатни олдин нимадан бошлаб, нима билан тугатишни айтишга ҳам улгуролмадим. Ҳарқалай у кишининг қалб тўрида сақланаётган хотиралар қандай бўлса шундайлигича айтилгани маъқул!

— У киши қамоққа олингач, Зангиотага қатнаганмиз, — дейди у оқ рўмолининг учини кўзларига босиб, — тўрт яшар болани етаклаб, эрта тонгдан йўлга тушаман. Ўзим оғироёқман. Бир амаллаб ит азобида қамоқхонани топиб борамиз. Дастлабки кунларда у кишининг қаердалигини билмай, роса хунобимиз ошган. Аммо дунёда яхши одамлар бор экан. Йўл-йўриқ кўрсатишди. Айримларнинг эри қамалиб кетса, хотинини ҳам олиб бориб тиқиб қўйишган. Мени бу бало четлаб ўтди. Шунга шукр қиламан. Агар шундай бўлганда болаларимнинг аҳволи нима кечарди?

Она хотираларининг адоғи йўқ. У тун-кун сўзласа ҳам тамом бўлмайди. Чунки эрта оқарган сочлар, пешонага тушган бемаврид ажинлар беиз эмас. Ҳар бири — инсон қисмати билан боғлиқ.

— Мен болаларимдан минг бор розиман, — дейди онахон. — Улар мени ҳеч қачон ёлғизлатиб қўйишган эмас. Доимо атрофимда парвона. Бехаловат кунлардан уларни ҳалол-поквза олиб чиқа олганлигимнинг мевасини бугун татияпман. Улар ҳам оталари каби ҳақиқий инсонлар бўлиб етишганидан бахтиёрман. Мана, улар ўз-ўзидан кўпайиб боришаяпти. Шу эмасми, ҳаётнинг давоми?! Афсуски, у киши узоқ умр кўра олмадилар. Фарзандларининг бахтини кўриш насиб этмаганига ачинаман. Узоқ юртлардаги азоб-уқубатлардан омон қутилиб, энди роҳат кўраман, деганда ёвуз ўлим орамиздан юлиб кетди. У кишининг қисқа умр кўришида қамоқлар ва сургунлар ўз ишини қилганди. Одам боласининг боши тошдан бўлса ҳам, барибир унга ҳам дарз кетаркан...

* * *

Инсон пешонасига ёзилганини кўради, деган иборани тез-тез ишлатамиз. Бунинг асл маъносини бир чақиб кўрганмизми ўзи? Ҳар ким ўз тақдирида нималар кутаётганини олдиндан айта олмаса керак. Аммо даврнинг шундай қора тўлқинлари бўладики, инсонлар умрига ноҳақ чанг солиб, уни бутунлай бошқа томонларга буриб юборади, шундай бедодликлар шахсга сиғиниш йилларида кўп бор юз берди. Бу воқеа, бу инсон тақдири ҳам ўша йиллардан бир шингил ҳикоя, холос...

Ислом УСМОНОВ.

«Нишона»



Жаҳонгир (Наҳанов) 1971 йилда Самарқанд вилоятининг Нарпай ноҳиясида туғилган. ТошДУ журналистика факультети 2-курс талабаси.

Шеърлари жумҳурият матбуотида илк бор эълон қилинмоқда.

ГАЛДИР

Сени излаб қолади юрак,
Кўз ёш бўлиб келасан
ҳар гал.
Тўлин ой-да этибми эрмак
Еноғимда ёнади ял-ял.
Сирларимни очмасдан
сира —
Шундоқ аён ниқинмизга
ҳам.
Хаёлларим сендай бонира,

Сендай гўзал, сулувдир,
эркам.
Кун келади, излаб
бораман,
Юлдуз бўлиб инасан
кўзга...
Мен — девона дилни
ёраман
Ҳали ўзим кўрмаган
чизга...

* * *

Юракка тош бўлиб ботади кунлар,
Кўнглимни эритмас ҳатто шу қуёш.
Тоғнинг оғирлиги ортади тунлар —
Елкалаб кетаман кўзим тўла ёш.

Елкалаб кетаман — манзилим узоқ,
Ҳаёт сўқмоғида йўқолар изим.
Хазонга бурканган бу йўллар мудроқ,
Тошларга урилиб қайтади сўзим.

Йўлимда учраган Улуғ Зот кўпдир,
Талабни-таланиб ётади бутун.
Ё, раббим барида биттадан чўпдир —
Бирида эркагу, бирида хотин.


Бул зотлар тиканни истаса, албат
Лолазор ўрнидан чиқаради бўй.
Балчиққа ётиб ҳам оларкан лаззат
Чўчқа тарбиясин олаётган қўй...

Бандангга жавоб бер э, қодир фалак,
Яшашга ҳақми у... ўша — қўйюрак...

АРОСАТ

Дафн этдим бугун
боримни,
На юрак бор, на
қолди виждон.
Қабримга мен тўкдим
зоримни,
Сўнг қайрилиб боқмадим
бир он.
Қаро ердан тополмай
паноҳ
Юлдузлардан изладим
кўним.
Кўзларимга қуйилди
сиёҳ,
Аросатда қолди бу
куним.
Озод-озод қуш бўлиб
учсам,
Маконимга жой
бордир, фалак?
Ушалмаган умидни
қучсам...
Бунда таним, унда
жон ҳалак.
Шу алфозда сезгидан
холи
Кунлар ўтиб борар ҳар
қадам:
Сояси йўқ одам мисоли,
Ё эгасиз қолган соядай...
Қолди бунда чечаклар
йиғлаб,
Кенг далалар, саман
оти ҳам,
Қуёш излаб чиқди
эрталаб,
Тополмади, лов-лов ёнди
ғам.
Севган қизи қолди
сарғайиб,
Саболарга айтиб отини.
Булутдайин босди
айрилиқ,
Ўраб кетди хаёлотини.
Еноғини ёшлар шилади,
Кўзларида нур йўқ
онанинг.
Ҳасратларнинг бели
синади —
Шаҳар ютиб кетди
болани...

ЖАҲОНГИР.



ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ БАЙРАМИ

Кейинги пайтда миллийликка, халқ амалий санъатига эътибор . кучайди. Жойларда ана шу мақсадда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда Абулқосим мадрасасида ўтказилган халқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги байрами ана шулар жумласидандир. Совет маданият жамғармасининг Ўзбекистон жумҳурият бўлими ана шу анжуманнинг ташаббускори бўлди.

Мадрасанинг ҳовлисини тўлдирган юзлаб томошабинлар турли ўйинчоқлар қандай ясалишини, дўппилар қандай тикилишини, гилам ва хонатласлар қандай тўқилишини кўриш билан бирга, Самарқанд, Наманган, Чуст ҳамда жумҳуриятнинг бошқа шаҳарларидан халқ усталари байрамга келтирган нарсалардан эсдаликка харид қилиш имкониятига эга бўлдилар. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти фольклор-этнографик дасталари бу анжуманда катта концерт намойиш этишди. Ташкилотчилар ва томошабинлар бу каби байрамлар йилда икки бор ўтказиб турилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидладилар.

СУРАТЛАРДА: мусаввир Дилмурод Қутлимуродов (юқорида) Хива сопол буюмлар заводи идишларини намойиш этмоқда. Пастдаги суратда эса тўқувчи Ҳафизхон Жабборов барча учун севимли бўлган хонатласнинг тўқиш жараёнини кўрсатаётир.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ суратлари. (ЎзТАГ сурат лавҳаси).



«УЧГУМБАЗ»— ЁШЛАР МАСКАНИ

ҚИЗИЛТЕПА ноҳияси ёшлари Ибодулла Адизов бошлиқ қурувчилар бригадаси томонидан ажойиб совға олдилар. Марказда «Учгумбаз» деб номланган ресторан ва чойхона ишга тушди. Бир йўла 100 хўранда овқатланиб, чой ичишга мўлжалланган бу масканда фақат имкадир тановвул қилиш жойи эмас, турли оммавий тадбирлар: ёшлар кечаси, беллашувлар, учрашувлар, бахт тўйларини, комсомол фахрийлари юбилейларини ўтказишга ҳам қулай. «Учгумбаз»да худди шундай тадбирлар ўтказила бошланди.

Қизилтепа шаҳар умумий овқатланиш корхонасига қарашли бу маданий хордиқ масканида миллий таомлар: палов, шўрва, қийма, ёрма ва бошқа таомлар пиширилмоқда. Хўрандаларга ёш ошпазлардан Олимжон Тоғаев, Аваз Ғозиев, Камол Ҳикматовлар намунали хизмат кўрсатишяпти.

Ноҳия комсомол қўмитаси Бухоро вилоятининг 70 йиллиги муносабати билан бу ерда бир қатор қизиқарли кечалар уюштириш тадбирларини белгилаган.

Б. ЭГАМОВ,
«Ёш ленинчи» штатсиз мухбири.

ЁШ АСКИЯЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Яқинда Андижонда бўлиб ўтган аскиячиларнинг вилоят беллашувида Пахтаобод ноҳиясининг «Хўжа Насриддин» командаси фаол қатнашди. Валижон Рўзматов, С. Ёқубов, Ў. Назаровлар Қўрғонтепа, Марҳамат ҳамда Комсомолобод ноҳиялари аскиячилари билан беллашиб ғолиб чиқди. Энди улар сўнгги беллашувни Балиқчи ноҳияси аскиячилари билан ўтказадилар. Беллашув программасидан ўрин олган «Табрик ва танишув», «Ёшлар ва қайта қуриш», «Қувноқ лапарлар ижроси», «Аския пайрови», «Сардорлар кулдиради» шартлари бўйича қизғин баҳслашишлар томошабинларда қизиқиш уйғотди.

Н. УРИНБОЕВ.

ТВ

7 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Етуклик имтиҳони», «Дардни яширсанг», «Эртадан умидвормиз». Телефильмлар. 12.10 Такрорий фильмлар экрани. «Жажжи сержант». Бадиий фильм.

* * *

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Янгиликлар. 17.24 «Абитуриент-90». Математика. 17.54 «Алифбо сабоқлари». 18.30 Футбол. СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Шинник» (Ярославль). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус тилида). 20.20 «Зангула». Телефильм. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Камолат сари». Сайёра Назирова ва Миразиз Муҳамедов. 21.30 **«Келажак режалари». Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иши якунлари.** 22.00 «Ахборот». 22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интилиш». 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 «Қизил Ян». Британия денгизчиси — Улуғ Ватан уруши йилларида Арктикада кемалар қўриқчиси бўлиб хизмат қилган Ян Хайгетнинг тақдири ҳақида ҳужжатли фильм премьераси («Беларусьфильм»). 8.20 Рязань шаҳар «Радуница» қўшиқ-чолғу ансамблининг чиқиши. 8.40 «Тош лабиринтлар жумбоғи». Илмий-оммабоп фильм премьераси (Рига киностудияси). 9.00 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 7 ва 8-серия-лар. 10.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.45 Йўл ҳаракати хавфсизлигига оид телерадио программалар I Бутуниттифоқ конкурсида соврин олган кўрсатувлар. «Маҳаллий аҳамиятга молик жанг» (Архангельск). 16.05 Болалар учун фильм. «Электроника-нинг саргузаштлари». 3-серия — «Ит етаклаган бола». 17.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 9 ва 10-сериялар. Премьера. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 «Ҳа, жаноб Бош министр». Телевизион бадиий фильм. 3-фильм. 21.40 Опера шинавандалари клуби. 22.50 Останкино концерт студиясида Илья Глазунов билан учрашув. 00.20 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

«Ёш ленинчи» жамоаси рўзноманинг Самарқанд вилояти бўйича собиқ махсус мухбири, Каттақўрғон шаҳар ва ноҳия «Зарафшон» рўзномасининг собиқ муҳаррири,
НУРУЛЛАЕВ Файзулла Нуруллаевичнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ҚУРОЛДОШЛАР, ҚАЕРДАСИЗ?

Ҳурматли редакция!

Мен Улуғ Ватан урушининг оловли йилларида елкама-елка туриб, жон олиб, жон берган қуролдошларимни излаб, сизларга мурожаат қилаяпман. Биз улар билан фронтнинг туб бурилиш босқичини бошлаб берган тарихий Сталинград жангларида қатнашганмиз. Бу уруш барчамизни ҳар томонга улоқтириб юборди. Ҳозирги кунда бизнинг сафимиз ҳам аста-секин сийраклашиб бораяпти. Мен собиқ қадрдонларимни ҳамон соғинаман. Қанийди, улар билан дийдор кўришиб, ўтган даҳшатли йилларни эслаб, шу бугунги ёруғ кунларимиз учун шаҳид бўлган дўстларимизни ёд этиб, хотирласак.

Лекин мен сизларга юбораётган шу рўйхатда адреслари ёзилган дўстларим ҳозир ҳаётми ёки дунёдан ўтганми, буни билмайман. Зора, менинг мактубимни ўқиган кишилар уларни топишда ёрдам беришса, деган умиддаман. (Бу адреслар уруш пайтлари олинган).

Аҳмаджон Раҳмонов — Бухоро вилояти, Қоракўл ноҳиясининг Зиёрат қишлоқ Советига қарашли Куйбишев номли колхоздан.

Рустамали Эргашев — Наманган вилояти, Поп ноҳияси, Уйғур қишлоқ Советидаги Каганович номли колхоздан.

Аллаберган Қодиров — Хоразм вилояти, Хазорасп ноҳиясининг Каганович номли колхоздан.

Эргаш Очилов — Қашқадарё вилояти, Яккабоғ ноҳияси, Яккабоғ қишлоқ Советига қарашли Карл Маркс номли колхоздан.

Қўзибой Рўзиматов — Тошкент вилояти, Оққўрғон ноҳияси, Сталин (ҳозирги номини билмайман) қишлоқ Советидан.

Бекжон Қурбонов — Қорақалпоғистон АССР, Тўрткўл ноҳияси, Сталинобод қишлоқ Советига қарашли Карл Маркс номли колхоздан.

Мамажон Зоиров — Тожикистон ССР, Гарм вилояти, Қалайи Обилаб ноҳияси, Мушар қишлоқ Совети, «1-Май» колхозидан.

Абдуҳолиқ Исоқов — Тожикистон ССР, Сталинобод (ҳозирги Ленинобод) вилояти, Орджоникидзеобод ноҳияси, Янгибозор қишлоқ Советидаги «III Интернационал» колхозидан.

Азиз қуролдошлар, қаердасиз? Овоз беринг.

Салом билан:

Ботир ТИЛАКОВ,
уруш ва меҳнат фахрийлари Усмон Юсупов ноҳия Кенгашининг раиси.
Қашқадарё вилояти.

БАЙНАЛМИЛАЛ ЖАНГЧИ НОМИ БЕРИЛДИ

АФҒОНИСТОНДА ҳалок бўлган йигитлар хотирасини абадийлаштиришга эътибор кучаймоқда. Афғон уруши иштирокчиларига, қолаверса, ўзга эл тупроғида шаҳид кетган ўғлонларнинг оила аъзоларига ҳукуматимиз томонидан белгиланган имтиёзлар кенгаймоқда.

Фарғона вилоятининг Ленинград ноҳиясидан ҳам афғонга кетиб она тупроққа қайтиш насиб этмаган аскарлар бор. Улардан бири Шеробод қишлоғилик Қаюмжон Йўлдошев эди. У 1984 йил ноябрь ойида ўз хизмат бурчини ўтаётган чоғида ҳалок бўлган.

Қаюмжоннинг юртдошлари ноҳиядаги 19-ўрта мактабга унинг номини бериш ташаббуси билан чиқишди. Бу хайрли таклиф ноҳия аҳли ҳамда мутасадди ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ҳ. СУЛАЙМОНОВ,
ТошДУ толиби.

СЕҲРЛИ БАРМОҚЛАР



Негадир мени бир нарса доим ўйлантиради. Ахир бундан беш-олти йил аввал ғайритабиий кучга эга бўлган кишилар ҳақида эшитсак, ҳайратга тушардик. «Йўғ-е, наҳотки одамнинг ҳам қўлида электр қувватига тенглашадиган куч бор бўлса?» деб. Ёхуд «учар ликопча»лар ҳақидаги «миш-миш»ларчи? Бугунга келиб бундай ҳодисалар табиий ҳолга айланиб қолди. Энди ҳеч кимни ҳайратга сололмайсиз. Қўл силтайди: «бунинг нимаси янгилик? Қўшнимизнинг мактабда ўқиётган қизининг қўлларига ҳар хил нарсалар магнитга ёпишгандек ёпишиб қолаяпти», дейди...

Рост, ҳалигача зукко ва синчков олимларимиз ҳам ўйлаб ўйига етолмаётган бу фалакнинг сирли ҳодисалари ҳақида бир нарса дейиш қийин...

Рўзномамизга яқинда Фарғона вилоятининг Олтиариқ ноҳиясидаги 12-ўрта мактабнинг тожик тили ва адабиёти фани муаллимаси Раънохон Исмоилова ташриф буюрди. У шеърлар ва мақолалар олиб келибди. Ёнидаги шериги қўшиб ҳам қўйди:

— У ҳозир беморларни ҳам муолажа қилаяпти...

Ажабланиб сўрадик:

— Қандай қилиб?

— Қўлларим билан.

— Нима, сизда ҳам экстрасенслик «дард»и борми?

— Тўғриси, ҳали бирон нарса дейишга эрта. Мана уч ойлик курсга яқинда қабул қилишди. Синаб ҳам кўришди. «Сизда биоток бор» дейишяпти. Балки...

Яна саволлар туғилаверади.

— Қандай қилиб ўзингизда биоток борлигини сездингиз?

— Аввалига билмадим. Кейин одамлар орасида ўзимни ноқулай ҳис қилардим. Гоҳо ёнимдагиларнинг бирон жойи оғриётган бўлса, менда ҳам худди ўша жой оғрирди. Кейин ишонмасдан сўрардим: «Фалон жойингиз оғрияпти-я?» деб. Рост чиқарди. Устимдан кулишарди ҳам: «Фолбинмисан, бир баломисан» дейишиб. Куннинг иссиқ пайтларида айтсам ишонмассизлар, кўпчилик терга тушиб кетаверса, мен аксинча, совқотиб кетавераман.

Бир куни қизлар билан сайрга чиқдик. Малика Мирзаева деган фарғоналик шоиранинг бўйни ўз-ўзидан оғриб қолса бўладими? На у ёққа бурилади, на бу ёққа. Ҳаммамиз хавотирга тушиб қолдик. Мен у кишининг олдига бориб «қани, Малика опа, сизга нима бўлди?» дедим-да, аста бўйнини қўлларим билан силай бошладим. Бир пайт десангиз, у киши аста бошини ўнглаб олди. «Қўлингиз анча енгил экан. Ё бирон «сир»ингиз борми?» дея раҳмат айтди. Мен бўлсам «йўғ-е, қўйсангиз-чи? Наҳотки шу силаганимга яхши бўлиб кетган бўлса?» дея ажабландим. Тўғриси, ишонмадим-да...

Шу-шу бўлди-ю, Раъно муаллимнинг «сеҳрли» бармоқлари ҳақида гап-сўз бир зумда тарқалиб кетди. Ҳеч кимнинг ишонгиси келмайди. Тўғри-да, унинг ҳеч кимдан ортиқ жойи бўлмаса. Оддий муаллима бўлса. Раънонинг ўзи ҳам аввалига бунга ишонмади. Шундоқ ҳам ўзининг ташвиши етиб ортади. Уч нафар қизи бор. (Шуниси қизиқки, онасининг айтишича, учовининг ҳам қўлларида ҳозирнинг ўзидаёқ магнит тортишиш кучи бор экан).

Менинг кўнглимда барибир шубҳа йўқ эмасди. Шул боис, уни яширолмадим:

— Агар мумкин бўлса сиздан шифо топган кишилар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?

— Жоним билан. Бу сир эмас. Қишлоғимизда Отажон ака деганнинг қизи бир яшарлигида кўзи оғриб, укол олгач, шундан кейин юролмайдиган бўлиб қолган экан. Қизалоқни саккиз марта муолажа қилдим. Бешинчисида ўрнидан турадиган бўлди. Ҳозир эса деворга суяниб юраяпти.

Самарқандлик муаллим Ш. Мирзаев деган киши анчадан бери бод касаллигидан азоб чекиб юрар экан. Менинг муолажаларимдан кейин яхши бўлиб кетибди. Айтаверсам, мисоллар кўп. Яна бир ҳамкасбим фарғоналик Ҳадяхон Дадажонова, Фарғона ноҳиясидаги Қўрғонтепа қишлоғилик тўқувчи Зиёдахон Отабекова, андижонлик Маҳфиратхон деган аёл, яна бир шоира Матлуба Ахмедова, адабиётшунос М. Саъдиновлар ҳам мендан хурсанд...

Билмадим, бу ўзимни мақташ эмас. Қанийди, муборак остонамни умид билан босиб келаётган ҳар бир бемор ўз дардидан фориғ бўлиб кетса, мен учун дунёда бундан ҳам ортиқ бахт бормикан?..

Дарвоқе, бир пайтлар хоразмлик Муяссар Шарипова ҳақида нуфузли рўзномалардан бирида ижобий мақола босилиб чиққач, кўтарилган шов-шувлар ҳалиям кўпчиликнинг эсида. Хоразмни-ку, қўя турайлик, ҳатто Тошкент томон йўл олган беморлар «Муяссарни топиб беринглар» деб тинчлик бермагани, мақолани ёзган мухбирни, ҳатто мақолани туширган йигитни ҳам юқори идоралар ҳоли-жонига қўймай рўзнома орқали бу «хато»лари учун кечирим сўрашларини талаб ҳам қилишган экан. Улар эса бунга рози бўлишмаганди. Аммо бир кун ўтмай шу рўзноманинг масъул ходимларидан бири ойнаижаҳон орқали Муяссар ҳақида берилган мақола «бир ёқлама ёзилгани», «ортиқча ҳиссиётларга берилганлиги» учун минг-минглаб телетомошабинлар олдида узр сўраган ҳам эди...

Бугунга келиб эса худди ана шу «қайсар» Муяссар ҳақида бутун мамлакат билади. «Эл оғзига элак тутиб бўлмас» экан-да! Муяссарга ўхшаганлар эса бугунги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун СССРда беҳисоб. Ҳақиқат барибир тан олинди.

Айниқса, энг қувончли воқеа Тошкентда Ўзбекистон экстрасенслар жамиятининг съезди чақирилиб, махсус уюшма тузилгани бўлди. Ҳозирги пайтда унинг бир неча юзлаб аъзолари бор. Раъно ҳам ана шулар изидан бораяпти. Насиб этиб, беморлар дардига у ҳам малҳам бўлса, бунинг нимаси ёмон? Аксинча, бундан фақат суюниш керак. Тўғри, унинг ҳам «қудрати»га ишонмаганлар кўп бўлди. Кейин эса...

Раъно Исмоилова ҳақида шов-шув кўтаришга ҳали эрта. Унинг ниятлари кўп. Айниқса, Тошкентдаги уч ойлик экстрасенслик курсини тугатгач, оламга донғи кетган грузиялик экстрасенс Жуна Давиташвили (у ҳам шоира, ҳам мусаввир, ҳам табиб) мактабида таҳсил кўришдир.

Раънони кузатиб қўйгач, эшигимиз яна тақиллади. Очсак, бир йигит қўлида қоғоз:

— Мақола олиб келувдим сизларга. Жуна билан учрашиб қайтдим. Ўзим ҳам экстрасенсман, — деди кулимсираб. Табиатда қувват ахборот алмашинуви муаммолари бўйича Ўзбекистон қўмитаси ҳайъатининг аъзосиман.

У ўзи ҳақида икки оғизгина тўхталди.

— Исми-шарифингиз?

— Авазов Эшбойман, сурхондарёлик. Менга бироз тикилиб тургач, «ишонмаяпсиз-а?» деди...

Ишонмай бўладими сизларга. Илоё сиздек қўлида сеҳри бор одамлар кўпайиб, кундан-кунга ортиб бораётган касалликлар сони камайсин...

Норқобил ЖАЛИЛ.

Она тилимиз— бебаҳо бойлигимиз

ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНДМИ?

Наврўз байрами арафасида хизмат тақозоси билан Фарғона шаҳрининг бир қанча институт, маданият марказлари ва ташкилотларида бўлдик. Фарғона кўчалари, юқорида эслатиб ўтилган ташкилотларда бўлиб, тўғриси, ажабландик. Ишонасизми, шаҳар кўчаларининг номлари, шиор, эълонлар, жамоат транспортлари «пешона»сидаги ёзувлар фақат русча битилган. «Во ажаб, — дедик ёқамизни ушлаб, — биз ўзининг гўзаллиги билан жаҳонга машҳур ўзбекзабон Фарғонадамизми, ёки...»

Ажойиб ном «Қир гули»ни «Киргили» десак, «Аввал»ни «Ауал», «Фарғона»ни «Фергана», «Марғилон»ни «Маргелан» десак, бу ёғи қандоқ бўлди?

Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультети ўқув биносига киришда йирик-йирик ҳарфлар билан «Энергия молодёжи на конкретние дела» деган шиор ёзиб қўйишибди. Шунинг ўрнида ўзбек тилида «Ёшлар ғайрат-шижоати аниқ мақсадлари амалга оширишга» деб чиройли қилиб ёзиб қўйилса бўларди-ку!

Бундан ташқари биз Фарғона вилояти ижроия қўмитаси, халқ таълими бўлими, Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими ва яна бошқа бир қанча жойларда бўлганимизда, ҳар бир хона эшикларида, деворларда осиб қўйилган иш фаолияти ҳақидаги ёзувлар, ҳужжатларнинг ҳам фақат рус тилида битилганини кўрдик. Наҳотки бу ерларда ўзбек тилига аллақачон Давлат тили мақоми берилганлигидан бехабар бўлишса.

Ерли миллий аҳоли вакилларидан кўплаб кишилар ташкилотлардаги йиғилиш, мажлисларни ҳанузгача деярли рус тилида ўтаётганлигидан нолишди. Фарғона шаҳридаги кўчалар номларининг аксарияти шаҳарга алоқаси бўлмаган номлар эканлигини айтиб ўтсак, фойдадан холи бўлмайди. Шуниси ажабланарлики, биз бу ҳақда қайси ташкилот раҳбарига мурожаат қилмайлик, кимга эслатиб ўтмайлик, улардан «хўп яқин кунларда бажарамиз, тузатамиз», деган жавоб олдик. Ёки баъзи раҳбарлар Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг «Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида»ги қонуни кучга киритиш тартиби тўғрисида»ги ҳужжатларида «Қонуннинг қоидаларини жамият турмушининг ҳамма томонларига босқичма-босқич жорий этиш мақсадида белгилаб қўйилсинки, Қонуннинг 5- ва 24-моддалари 3 йил давомида амалга оширилади», деган сўзларни рўкач қилишмоқда. Ахир бундай муомала ўзбек тилининг ривожланиши, янада тараққий этишини астойдил истаган ҳар бир соғлом фикрли кишига баҳона бўла олмайди. Ҳа, бир гап бўлар, қабилида иш тутиб, 3 йилнинг ўтиб кетишини кутиб ўтириш, эса лоқайдликдир. Гўзал Фарғонага нисбатан раҳбар ва масъул кишиларнинг бепарво, лоқайд бўлишлари асло ярашмайди. Шаҳарнинг исми жисмига монанд бўлиши лозим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг саркотиби, ҳозирда жумҳуриятимиз президенти И. А. Каримов февраль ойида Ўзбекистон ССР, маҳаллий Советлари халқ депутатлари, корхоналар, муассасалар, партия ташкилотлари, маҳалла ва уй-жой қўмиталари, ўқув юртларининг вакиллари, фирқа, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳузурида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек, «Биринчи навбатдаги вазифа — ўзбек тилига давлат мақоми бериш ҳақидаги қонунни ҳаётга тўла тадбиқ қилиш масаласи. Бу иш ҳанузгача жуда суст бораяпти. Кўп тадбирлар ҳали амалга ошмаяпти».

Сўзимизни мухтасар этиб, Фарғона вилоят фирқа қўмитаси, халқ депутатлари ижроия қўмитаси ва бевосита мутасадди раҳбарлар она тилимизнинг ўлда-жўлда бўлишига йўл қўймаслар, деган умиддамиз.

Юсуф ҲАМДАМ,
ССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513300 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 04594. Д. — 23478.